Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 41 (7181). ● 26 февраль, 1980 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ТОШКЕНТ область партия комитети область пахтакорлар Советининг 1980 йилда чигитни эрта муддатларда қисқа вақтда ва сифатли экиш ҳамда уни тупроқнинг табиий намига тўла ва бир текис ундириб олиш юзасидан тавсияларини маъқуллади.

Область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, «Ташоблсельхозтехника», «Ташзаготхлопкопром», «Облсельхозхимия» бирлашмалари, область ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси ва уларнинг жойлардаги органларига 136 минг гектар майдонда чигитни қисқа муддатларда ва сифатли экиш учун колхоз ва совхозлар эҳтиёжларини таъминлайдиган миқдорда қишлоқ хўжалик техникаси, электр жиҳозлар, аккумуляторлар, минерал ўғитлар, гербицид ва ўсимликларни химиявий ҳимоя қилиш воситаларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш топширилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, хўжаликлар раҳбарларига ҳар бир бригада, бўлим, колхоз, совхозда барча майдонларни экишга сифатли тайёрлашни уч кун ичида, чигитни ернинг табиий намига экишни 5—7 иш куни мобайнида тугалланиши таъминланадиган конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш тавсия этилди.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари, область телевидениеси ва радио эшитириш редакцияларига илғор бригада ва хўжаликларнинг 1980 йилда чигит экишни ўз вақтида ўтказиш бўйича илғор тажрибаларини кенг ёритиш топширилди.

(Область пахтакорлар Советининг тавсиялари газетанинг 3-бетида босилмоқда).

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1979 йилги деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун қишлоқ хўжалиги ходимларининг республика социалистик мусобақаси якунлари тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Қарорда таъкидланадики, республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориб, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, катта меҳнат ғалабасига эришдилар — ўтган йилнинг мислсиз қийин иқлим шароитларида пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириб, уни уюшқоқлик билан йиғиб-териб олдилар.

1979 йилда давлатга рекорд миқдорда 5 миллион 760 минг тонна, шу жумладан 320 минг тонна энг қимматли ингичка толали нав пахта сотилди. Пахтанинг 85 процентдан кўпроғи биринчи сортларга топширилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 31 центнер — ўтган йилдагига нисбатан бир центнер юқори бўлди.

Республикада биринчи марта 2 миллион 711 минг тонна дон, шу жумладан 1 миллион тоннадан кўпроқ маккажўхори дони ва 430 минг тонна шоли етиштирилди. Давлатга 1 миллион 139 минг тонна дон сотилди, бу эса белгиланган тайёрлов ҳажмидан 1,6 баравар кўпдир.

Мева ва сабзавотчиликни янада ривожлантириш йўлида катта қадам қўйилди. Сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева ва узумдан мўл ҳосил етиштирилди. Ана шу қимматли маҳсулотлар 4,5 миллион тоннадан кўпроқ етиштирилди. Пилла ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан план ва социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилди.

Республика сув хўжалиги, тайёрлов ташкилотларининг, «Госкомсельхозтехника» ремонт корхоналарининг коллективлари, ўрмон хўжалиги, хўжаликлараро, аграр-саноат, илмий ишлаб чиқариш ва илмий-тадқиқот муассасаларининг ходимлари катта муваффақиятларга эришдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1979 йилда ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб, қўйидагиларни республика социалистик мусобақасининг ғолиби деб тонишга ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ғўчма Қизил байроқлари ҳамда диплом ва пул мукофотлари билан тақдирлашга қарор қилдилар:

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРДА

Шуманай райони
Қўнғирот райони
Амударё районидаги Тельман номли колхоз
Хўжайли районидаги Ленин номли колхоз
Ленинобод районидаги Свердлов номли совхоз
Қўнғирот районидаги «Қўнғирот» совхози
Беруний районидаги Охунбобоев номли совхоз
Амударё районидаги Горький номли совхоз
Чимбой районидаги «Бахтли» совхози
Главсредазирсовхозстройнинг «Каракалпакирмонтаж» трести
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг Амударё дельта суғориш системалари бошқармаси

АНДИЖОН ОБЛАСТИДА

Ленин райони
Москва районидаги «Қизил юлдуз» колхози
Пахтаобод районидаги «Коммуна» колхози
Бўз районидаги К. Маркс номли колхоз
Комсомолобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхози
Узгавводстройнинг «Андижангидростроя» қурилиш бошқармаси

БУХОРО ОБЛАСТИДА

Пешку райони
Томди райони
Ғиждувон районидаги С. Айний номли колхоз
Бухоро районидаги «Маданият» колхози
Қизилтепа районидаги «Ленинград» колхози
Қоракўл районидаги «Искра» колхози
Шофиркон районидаги К. Маркс номли колхоз
Бобкент районидаги Калинин номли колхоз
Ромитан районидаги «Ромитан» совхози
Конимех районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхози
Навоий районидаги Ленин орденли «Нарпай» совхози
«Узплодоовощвинпром» Бухоро ишлаб чиқариш-аграр бирлашмасининг «Галаосиё» совхоз-заводи
Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника»си Вобкент район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш техника таъминоти ишлаб чиқариш бирлашмаси

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИДА

Фориш райони
Дўстлик районидаги «Комсомол» совхози
Пахтакор районидаги «Ҳурмат белгиси» орденли «Самарқанд» совхози
Фориш районидаги Ильич номли совхоз
«Главсредазирсовхоз т р о й»нинг «Джизакцелинхлопок» трестига қарашли Қ. Раҳимов номли совхоз
Главсредазирсовхозстройнинг «Джизакстепстрой» бошқармасига қарашли «Мирзачўльсовхозстрой» трести
Ўзбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министрлигининг Бахмал ўрмон хўжалиги

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИДА

Шаҳрисабз райони
Китоб районидаги Улуғбек номли колхоз
Чироқчи районидаги «Партия XXIV съезди» колхози
Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхоз
Яккабоғ районидаги Энгельс номли колхоз
Косон районидаги «Ленинград» совхози
Муборак районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози
Баҳористон районидаги «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводи
Главсредазирсовхозстройнинг «Каршицелинхлопок» трестига қарашли «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» совхози
Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигининг Қаршидаги 10-нон маҳсулотлари комбинати

НАМАНГАН ОБЛАСТИДА

Поп райони
Янгиқўрғон районидаги К. Маркс номли колхоз
Тўрақўрғон районидаги «Партия XXV съезди» колхози
Чуст районидаги «Ўзбекистон» колхози
Поп районидаги «Найман» совхози

САМАРҚАНД ОБЛАСТИДА

Каттақўрғон райони
Ўргут райони
Оқдарё районидаги «Ўзбекистон» колхози
Жонбой районидаги Охунбобоев номли колхоз
Иштихон районидаги «Мурадобод» колхози
Пайариқ районидаги К. Маркс номли колхоз
Хатирчи районидаги К. Маркс номли колхоз
Самарқанд районидаги Энгельс номли колхоз
Қўшрабат районидаги Эргаш Жумабулбул ўғли номли совхоз
Нарпай районидаги Ислом Шоир номли қўриқ совхози
Нурота районидаги «Қизилча» давлат наслчилик совхоз-заводи
Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигининг Каттақўрғон нон маҳсулотлари комбинати
Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника»нинг Самарқанд механизациялашган кўчма колоннаси
«Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмасининг Самарқанд область боғдорчилик, узумчилик совхозлари трестига қарашли Фозил Йўлдош номли совхоз

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИДА

Қумқўрғон райони
Шўрчи районидаги Чкалов номли колхоз
Жарқўрғон районидаги «Социализм» колхози
Денов районидаги Охунбобоев номли колхоз
Ленин йўли районидаги Ленин номли совхоз
Шеробод районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхози

СИРДАРЁ ОБЛАСТИДА

Ильич райони
Сирдарё районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ленинград» колхози
Оқолтин районидаги «Андижон» совхози
Боёвут районидаги — 1-«Боёвут» совхоз-техникуми
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг Сирдарё область суғориш системалари бошқармаси

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА

Ғалаба райони
Тошкент районидаги Навоий номли колхоз
Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози
Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхози
Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози
Бекобод районидаги Ленин номли колхоз
Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози
Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози
Калинин районидаги «Рассвет» совхози
Калинин районидаги Охунбобоев номли совхоз
«Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмасининг Тошкент область боғдорчилик, узумчилик совхоз трестига қарашли Тошкент теплица комбинати
Главсредазирсовхозстройнинг «Средазспецстрой» трести В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик Фанлари академияси Ўрта Осиё бўлимининг академик Р. Р. Шредер номли илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДА

Ленинград райони
Ленинград районидаги Охунбобоев номли колхоз
Бағдод районидаги «Большевик» колхози
Қува районидаги «Социализм» колхози
Фарғона давлат зотдор паррандачилик заводи

ХОРАЗМ ОБЛАСТИДА

Хива райони
Хонқа районидаги Ленин орденли Охунбобоев номли колхоз
Ҳазорасп районидаги Жданов номли колхоз
Урганч районидаги Ленин номли колхоз
Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номли колхоз
Янгиариқ районидаги Киров номли колхоз
Гурлан районидаги «Янгиобод» совхози

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети республика социалистик мусобақасининг ғолиблари бўлган колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалигининг, давлатга қарашли бошқа корхоналар ҳамда ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини, партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг ходимларини қизғин табриклайдилар ва улар партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва 1979 йил ноябрь Пленумларининг тарихий қарорларини бажара бориб, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, 1980 йилги планлар ҳамда социалистик мажбуриятларни ва умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасининг байроғини яна ҳам баланд кўтарадилар, деб ишонч билдирадилар.

ЧОРВАЧИЛИКНИНГ ҲАММА РЕЗЕРВЛАРИ ИШГА ТУШИРИЛСИН!

ҚАРШИ, 25 февраль. (ЎзТАГ). Қашқадарё области республикада чорвачиликни ривожлантириш соҳасида етакчи ўринни эгаллаши мумкин ва лозим. Область чорвадорларининг бугун бўлиб ўтган қурултойида КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми талаблари ва КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида шу тармоқни интенсив ривожлантириш учун бу ердаги мавжуд имкониятлардан қандай фойдаланилаётганлиги тўғрисида гап борди. Қурултойда область партия комитетининг биринчи секретари Р. Г. Ғойипов доклад қилди.

Қурултой қатнашчилари ўз нутқларида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг тошкентлик чорвадорларга йўллаган табрикномаси республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун гоят катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бошқа областлар каби Қашқадарё ҳам пахтачилик билан бир қаторда чорвачиликни муттасил ривожлантирмоқ учун барча имкониятларга эга. Қишлоқ хўжалиги барча меҳнаткашларининг ва биринчи навбатда колхозлар, совхозлар, район ташкилотлари раҳбарларининг куч-ғайратлари ана шу имкониятлардан самарали фойдаланишга сафарбар этилиши лозим. Гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан топшириқларнинг бажарилиши учун ҳар бир кишининг масъулиятини ошириш керак.

Қурултойда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Қурултой қатнашчилари областнинг барча чорвадорларига мурожаат қабул қилдилар. Мурожаатда В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига ва КПСС XXVI съездига тайёрларликни зардобор иш билан, ленинча иш билан нишонлашга, меҳнатда янги-янги муваффақиятларга эришишга даъват этилган.

Қурултойда 1980 йил учун ошириллган социалистик мажбуриятлар қабул қилинди. Ўтган йилга нисбатан гўшт ва сут етиштиришни 20 процент, тухум етиштиришни 25 процент кўпайтиришга қарор берилди.

ИЗЛАНГАН МАҚСАДГА ЭРИШАДИ

БУНДАН икки-уч йил илгари чорвачилик соҳасидаги кўрсаткичларимиз район миқёсида ўртача бўлиб ўзимизни ҳам қаноатлантирмас эди. Фермамиздаги аксарият моллар зоти жайдари бўлиб, ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут 3 минг килограммга ҳам етмасди.

Ўнинчи беш йиллик бошидан чорвачилик соҳасида тубдан ўзгариш ясашга қарор қилинди. Бунинг учун, аввало, тармоқни малакали мутахассислар билан таъминлаш, сўнгра эса, энг муҳим масала—моллар зотини яхшилашга киришилди.

1976 йилдан жайдари моллари сермаҳсул қорaола зотли моллар билан алмаштира бошладик. Маълумки, олинадиган ёш бузоқларнинг зотлилиги асосан буқалар наслига боғлиқ бўлади. Биз буни ҳисобга олган ҳолда зотли буқаларкинг 4—5-наслларини текшириб, зотлилиги аниқмаган бўлса, уларнинг уруғидан фойдаландик.

Дастлабки йили зоти яхшиланган 40 бош қора-ола наслли сигирлар ажратиб олиниб, алоҳида парвариш қилинди. Улардан олинган бузоқлардан 20 таси танланди. Кейинги йили эса 80 бош зотли сигир бузоқларидан яна 35 таси ажратилди. 1978 йилга келиб кўп сут берадиган 120 бош қора-ола зотли сигирларга эга бўлдик. Ўтган йили эса фермамиздаги соғин сигирларнинг ҳаммаси 2220 бошга етказилиб, зоти юз фоиз яхшиланди.

Наслчилик ишларини яхши йўлга қўйиб олганимиздан сўнг фақат ўзимизни таъминлаб қолмай, балки районимиздаги бошқа хўжаликларга ҳам наслли бузоқлар етказиб бериш имкониятига эга бўлдик. Шунинг учун 1979 йилдан фермамиз наслчилик хўжалигига айлантирилди. Ҳозиргача «Назарбек» совхозига юздан ортиқ зотли ғунажинлар етказиб бердик. Натижада бу хўжаликда ҳам сигирлар маҳсулдорлиги кескин ортиб, бир йилнинг ўзида 262 килограмм кўпайди.

Илгарилари совхозимизда озуқа экинлари ҳосилдорлигини ошириш, ем-хашакни кўпроқ ва сифатли жамғариш, уни молларга беришдан аввал қайта ишлаб тўйимлилигини ошириш, айниқса уни тежаб-тергаб сарфлаш масалаларига яхши эътибор берилмасди. Моллар зоти яхшиланганидан сўнг бу соҳани ҳам тартибга солиш, ҳисоб-китоб ишларини аниқ йўлга қўйиш зарурати сезилди. Чунки сермаҳсул мол кўп ва сифатли озуқа ҳам талаб қилади.

Фермадаги молларнинг группаларига қараб йил давомида турли хил рацион, демак турли миқдорда озуқа сарфланади. Биз озуқа экинлари учун ер ажратишда ана шуни ҳисобга оладиган бўлдик. Масалан, ҳар йили 150 гектар ерда беда ҳосили олинади. Шундан 40 гектари йилига янгиланиб, судан ўти қўшиб сепилади. Бу эса баҳор ва ёз давомида жуда кўп кўк масса олиш имкониятини беради. Соғин сигирларнинг сутини кўпайтиришда бу жуда қўл келади.

Ҳар йили 60 гектар ерга силос учун маккажўхори экилади. Бу, албатта, оз эмас. Бироқ қиш мавсумида асосий озуқа бўлганлиги учун уни кўпроқ ғамлаш мақсадида ҳосилдорликни оширишга ҳам алоҳида эътибор берамиз. Кейинги пайтларда уруғликни сульфат аммоний билан аралаштириб экишга одатландик. Шундай қилинганда уруғ бехато униб чиқиб, тезда кўзга кўриниб қолади. Ишлов беришни кучайтириб, ўз вақтида озиқлантирилса, кўкпоя сифатли етилади. Натижада гектар ҳосилига камида 500 центнердан кўкпоя ўриб олишга эришаётирмиз.

Соғин сигирлар сутини кўпайтиришда озуқа ҳалқаси ҳам катта роль ўйнайди. Бу экин учун йилига 13—15 гектар ер ажратилади. Ҳосилдорлик эса 350 центнердан кам бўлмаётир. Янгиштириб олинган лавлагининг ярмидан кўпроғи ёз кунларида фақат соғин сигирларга берилади. Қолган қисми асраб қўйилади. Маълумки, сигирлар туғишига икки ой қолганда сутдан чиқарилади. Бу даврга келиб, улар организмида витаминлар тури ва миқдори қамайиб кетади. Оқибатда туғилажак бузоқлар витамин етишмаслиги сабабли нобуд бўлиши мумкин. Унинг олдини олиш учун биз асраб қўйилган лавлагидан фойдаланамиз. Туғиши яқинлашган сигир ва ғунажинларга кунига 5 килограмм лавлаги механизм ёрдамида майдаланиб, 1 килограмм омухта ем ва 1 килограмм беда уни қўшиб берилади.

Биз дон учун экиладиган маккажўхори поясидан ҳам рационал фойдаланиш йўлини излаб топдик. Илгарилари дон йиғиштириб олингунга қадар маккa пояси қуриб қоларди. Натижада уни чорва мollларига етиштириш кутилган самарани олиш қийин эди. Эндиликда биз кўкпояни силос ўрадиган агрегатларда майдалаб, беданинг учинчи-тўртинчи ўрими билан қўшиб, худди сенаж сингари ўраларга бостириб қўядиган бўлдик. Бироқ бу сенаж ҳисобига кирмайди. Чунки қишда бу масса ўралардан олиниб, озуқа цехида қайта ишланади, барда ва бошқа хушхўр озуқалар билан аралаштирилиб буғланади, сўнгра молларга берилади.

Кўклам ва ёз ойларида молларнинг асосий озуқаси кўк беда ва бардадан иборат бўлади. Табиийки, бундай ҳолда молларнинг сути суюлиб кетиб ёғлилик даражаси ва сорти пасаяди. Шунинг учун биз кўклам ва ёз пайтларида соғин сигирлар рационига қўшиладиган омихта ем миқдорини кўпайтиришдан ташқари бир килограммдан беда уни ҳам берамиз. Бундан ташқари 6 килограмм лавлаги ва ярим килограмм қунжара талқони ҳам қўшилади. Қиш ойларида эса озуқа рационига 2 килограмм чигит чиқиндиси ҳам киритилади.

Фермамизда бузоқлар парвариши мутахассисларнинг жиддий назорати остида олиб борилади. Чунки бузоқлар подаларини тўлдириб бориш, маҳсулдорликни бир маромда кўпайтириш соҳасидаги асосий манбадир.

Янги туғилган бузоқлар 10 кун она сигир сути билан, дастлабки бир ой давомида фермадаги сигирлардан соғиб олинаётган сут билан боқилади. Сўнгра сунъий сутга ўтилиб, дағал хашакка ҳам ўргатиб борилади. Фермамиз наслчилик хўжалиги бўлганлиги сабабли сунъий сутни ўзимиз тайёрламоқдамиз. Чунки бу ишончли бўлади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир соғин сигир учун сарфланадиган озуқа бирлиги уларнинг маҳсулдорлигига қараб белгиланиши лозим. Чунки баъзи сигирлар ҳар қанча озуқа егани билан, масалан 15 килограммдан ошиқ сут бермаслиги мумкин. Бошқа сигир эса, аксинча, 30—40 килограммгача етказиши мумкин. Шунга яраша озуқа ҳам талаб қилади.

Фермамизда бўрдоқичилик ишлари яхши йўлга қўйилган. Бўрдоқига боқиладиган моллар шу ернинг ўзида парвариш қилиниб, суткасига 800—850 граммга етказиб семиртирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш, чорва моллари маҳсулдорлигини оширишда жуда кўп резерв ва имкониятлар мавжуддир. Уларни излаб топиш ва жорий этиш ҳар бир чорвадордан масъулият билан сидқидилдан ва виждонан меҳнат қилишни, жамоат чорвачилиги учун ҳақиқий жонкуяр бўлишни талаб этади. Бу йўлда тинимсиз излаш ва изланишдан чўчимайдиган чорвадорларгина мақсадларига эришадилар. Бу ҳаётий ҳақиқатни бизнинг фермамиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

1979 йилда ҳар бир сигирдан 4050 килограммдан сут соғиб олинди. Бўрдоқига боқилган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 542 килограммданга тўғри келди. Бу юксак кўрсаткичлар икки-уч йил ичида олиб борилган тинимсиз изланишлар самарасидир.

Маҳсулдорлик ошгани туфайли фермамиз рентабелли бўлиб қолди. Масалан, ўтган йилнинг ўзида сут етиштириш ҳисобига 52 минг сўм ва топширилган гўшт ҳисобига 10 минг сўм, жами 62 минг сўм соф даромад олинди. Шундан 11 минг сўми фермамиз ходимларига мукофот тариқасида тақсимлаб берилади.

Фермамиз коллективи 1980 йил учун янада оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилди. Бу йил биз гўшт етиштиришни 25 процент, сут етиштиришни 21 процент кўпайтиришимиз керак. Гўштга топшириладиган бўрдоқилар тирик вазни 550 килограммга, қорамоллар сони 650 бошга етказилиши лозим. Юксалиш йўлига ўтиб олган фермамизда бундай марраларни эгаллаш учун ҳамма имкониятлар мавжуд.

Ю. ТОЛИПОВ,
Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг бош зоотехниги.

СЎЗ—МАШЪАЛ ЧОРВАДОРЛАРГА

ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ ОШЯПТИ

Сифат ва самарадорлик бешинчи йиллигининг тўртинчи йилини Ойбек номли совхоз деҳқонлари муваффақиятли якунладилар. Баракали «оқ олтин» хирмони учун қурашган пахтакорлар 7754 тонна пахта етиштириб, давлатга сотдилар. Ҳосилдорлик гектар бошига пландаги 29,4 центнер ўрнига, 32,7 центнерга етказилди. Совхоз деҳқонлари дон, пилла, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, узум етиштиришни 1978 йилга нисбатан анча кўпайтириб, план ва мажбуриятларни ошириб бажардилар.

Хўжаликда деҳқончилик маданиятига яхши эътибор берилаётганлиги туфайли шундай ютуқларга эришилмоқда. Совхозда 2310 гектар ерда пахта етиштирилади.

Ҳамма карталар имкони борича йириклаштирилган. Кераксиз ариқ ва зовурлар текисланмоқда. Шу йўл билан тўла гектарлар ҳосил қилинмоқда, ерга ер қўшилмоқда. Суғориш тармоқлари бетонлаштирилиб, ернинг захлаб кетиши ва сув исроф бўлишининг олдини олинмоқда.

Пахтакорлар ҳар қарич ердан самарали фойдаланиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозир ерга-ер қўшиш ишлари қизитиб юборилган. Бу ишларни совхознинг механизациялашган мелиоратив отряди амалга ошираётир.

Отрядининг Файзи Бердиев, Жумабой Мирзаев, акауқа Мамарасул, Мамадали Ботировлар сингари скреперчи ва бульдозерчи комсомол-ёшлари ўз ҳамкасбларига намуна бўлиб меҳнат қилмоқдалар. Улар кунлик нормани 1,5 баробар қилиб бажармоқдалар. Шу кунларда далаларда 10 та скрепер ва бульдозер ишлаяпти. 70 гектар ер капитал текисланди. 1190 гектар майдонда грейдерлаш ишлари ўтказилди.

Совхозда суғориш тармоқлари, коллектор-дренжларни ғозалаш ишлари ҳам юқори суръатда сифатли олиб борилмоқда. Бу борада 225 минг куб метр ҳажмда иш бажарилди.

Бу каби ишлар амалга оширилаётгани туфайли ҳосилдорлик ошмоқда. Ўтган йили гектаридан 35—43 центнердан пахта ҳосили олган. Валлами, Тўхтабоев, Нормурод Нуралиев, Малик Шодиев, Яхшибой Эмибоев, Тоғай Умриллаев сингари илғор бригадалар сафи тобора кўпаймоқда.

О. ЖАМРОЕВ.
Бекобод райони.

ТАСС АХБОРОТИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев 1979 йил 6 октябрь куни Берлинда Марказий Европадаги совет қўшинлари сонини ихтиёрий равишда қисқартиришни эълон қилганига мувофиқ илгари қабул этилган қарорни амалга ошириш юзасидан совет ҳарбий танк қисмларининг навбатдаги группаси танклари билан бирга шу йил 25 февралда Германия Демократик Республикасидан ватанига жўнаб кета бошлади. Олиб чиқиб кетилаётган қисмлар Совет Иттифоқининг Европа қисмидаги районларида жойлаштирилади.

В. И. ЛЕНИН ОММАНИНГ ЖОНЛИ ИЖОДКОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Душманларимизнинг социализмни гўё одамлар ташаббуси, ҳуқуқлари ва эркинлигини бўғувчи жамият қилиб кўрсатиш йўлидаги уринишларидан ҳам бемаънироқ ҳеч нарса йўқ. Ғоят кенг оммаларнинг доимо ўсиб бораётган сиёсий ва меҳнат активлиги, уларнинг барча жамоат ва давлат ишларини муҳокама қилиш ва ҳал этишдаги иштироки Ленининг «жонли, ижодий социализмни халқ оммасининг ўзи барпо этади» деган хулосаси тўғрилигини тасдиқлаб турибди.

КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қароридан.

НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ

ХАЛҚ оммаси — тарихнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир.

Марксизм-ленинизмнинг бу чуқур илмий хулосаси ҳозирги вақтда, яъни юзлаб миллион кишилар социализм ва коммунизм учун курашиб, бутун жаҳон тарихида фаол куч бўлиб майдонга чиққан бир даврда алоҳида аҳамият касб этади.

Тарихни одамлар, халқ оммаси яратади. Аммо, улар тарихни ўз ҳоҳиш-истаклари бўйича яратмайдилар. Кишилар фаолияти объектив қонун ва муайян тарихий шарт-шароитларга бўйсунади. Ўз навбатида, шу қониятлар ва шарт-шароитлар омма, синфлар, партиялар ва айрим шахслар фаолиятининг характери ва йўналишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Маркс ва Энгельс тарихда халқ оммасининг роли тобора орта бориши қонуниятини кашф этдилар. В. И. Ленин улар назариясини ривожлантириб, онгли оммаларнинг тобора кўпайиб бориши ижтимоий тузум қонунини тараққиёти билан белгиланган бўлиб, бу ҳал қилувчи даражада партия омма орасида олиб борадиган идеологик ишнинг кенглиги ва чуқурлигига боғлиқдир, деб таълим берди. Ўзгартишлар қанчалик кенг миқёсда бўлса, уни амалга оширишда шунчалик кўп омма қатнашади.

Халқ ҳаракати қанчалик кенг ривожланса, партиянинг синфга раҳбарлик қилишдан, ташкилотчи бўлишдан иборат вазифаси шунчалик кўп аҳамият касб эта боради.

Улуғ Октябрь халқ оммасининг ижтимоий тараққиётидаги ўрни ва ролини тубдан ўзгартириб юборди. Омма тарихда биринчи марта эксплуатациядан халос бўлди, ўз мамлакатининг чинакам ҳўжайинига, бутун ижтимоий ҳаётнинг мустақил ижодкорига айланди, Советларда давлатни бошқариш ишларида бевосита иштирок этиш имконига эга бўлди. Давлат фаолиятида оммаларнинг ана шундай чинакам кенг иштирокини таъминловчи катта имкониятлар Совет давлати моҳиятидан келиб чиқади.

Бошқариш — бу ҳеч бир омма эгаллаб ололмайдиган алоҳида бир санъатдир, деган марксизм-ленинизмга ёт қарашларга В. И. Ленин зарба бериб ёзадики, «бошқаришни билиш осмондан тушмайди, уни муқаддас руҳ пайдо қилмайди». Давлатни бошқаришни давлат ишларида амалда иштирок қилиш йўли билангина билиб олиш мумкин. «Ҳамма меҳнаткашларни давлатни бошқариш санъатига ёппасига ўқитишга... амалда ўқитишга» ўтиш даркор.

Социализм кенг меҳнаткашлар оммаси учун давлатни бошқаришда чинакам оммавий иштирокни таъминловчи жуда катта имкониятларни очиб берди. Айни вақтда В. И. Ленин бу имкониятларни амалга ошириш кўп жиҳатдан меҳнаткашлар маданий савиясининг ўсишига боғлиқлигини алоҳида таъкидлайди.

Бизнинг кунларимизда доҳийнинг бу кўрсатмаси ҳамон актуаллигини йўқотганича йўқ. КПСС XXV съезди қарорларида ёзилганидек, партия социалистик демократия ва бошқариш ишларини янада такомиллаштириши зарур. Бу вазифа ўз навбатида халқ маорифи, меҳнаткашларни идеологик жиҳатдан тарбиялаш, улар умумий маданий савиясини юксалтириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Социализм, жумладан ҳозирги етук социалистик жамият босқичи шуни тақозо этадики, ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқариш функцияси билимдон, сиёсий етук, ўз соҳасини, касбини пухта ўзлаштирган кишилар томонидан амалга оширилади. Юксак малакали мутахассисларнинг ҳозирги замон ишлаб чиқаришини бошқаришга жалб қилиш социалистик жамиятда алоҳида, имтиёзли группа ёки табақани вужудга келтиришни асло билдирмайди. Аксинча, В. И. Ленин таълимотига кўра, меҳнаткаш синфлар вакиллари, кейин эса жамиятнинг катта ёшдаги барча аъзоларининг мумкин қадар кўпроғини бошқарув соҳасига жалб этиш коммунистик қурилишнинг бош вазифаларидан бирига айланади. Социалистик бошқарув ишларининг асосий ленинча принципи — бу оммага таянишдир.

СССР янги Конституцияси тарих жараёнида омма ҳал қилувчи роль ўйнаши тўғрисидаги марксча-ленинча қоидани изчил амалга ошириш имконини беради, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида халқ оммаси ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришга кенг йўл очади. Омма фаоллигини ошириш эса демократиянинг янада кенгайтирилиши билан боғлиқдир. Ўртоқ Л. И. Брежнев ёзганидек, етук социализм босқичида, умумхалқ давлати шароитида меҳнаткашлар оммасининг мамлакат ҳаётини бошқаришда тобора кенг ва фаол иштирок этиши совет жамияти сиёсий тараққиётининг марказий йўналиши сифатида мустаҳкам қарор топди.

Ижтимоий ҳаётимизнинг кенг демократия асосига қурилаётганлиги ҳозирги тараққиётимиз тақозо этаётган улкан вазифаларни ҳал қилишнинг муҳим шарти бўлмоқда. Бу қудратли омил бошқарув самарадорлигини оширишга, халқ хўжалиги барча звеноларида иш сифатини яхшилашга чуқур таъсир кўрсатмоқда. Оммаларнинг онглилиги, сиёсий ва меҳнат активлиги тинимсиз ошиб бормоқда.

Социалистик мусобақанинг кенг ривожланаётганлиги бунинг ёрқин далилидир, омма жонли ижодкорлиги ва ташаббускорлиги, сўнмас куч-гайратининг ажойиб кўринишидир.

В. И. Ленин ана шу оммавий ҳаракатнинг туғилишини кузатиб, мусобақа иқтисодий ва социал тараққиётимизнинг чинакам тезлаштирувчи омили эканлигини кўрсатди. Доҳий бошқариш вазифаларини амалга оширишда социалистик мусобақага таянишнинг муҳимлигини, ундан халқ хўжалигини ривожлантириш, меҳнаткашлар меҳнат ва сиёсий активлигини ошириш, коллективчилик руҳида тарбиялаш мақсадларида фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Эндиликда партия доҳийнинг бу васиятларини ҳаётга кенг татбиқ этиб, ривожланган социализм шароитида мусобақани янада ривожлантириш, унда кенг омма иштирокини таъминлаш, унинг самарадорлиги ва ошкоралигини, меҳнат натижаларини қиёслашдаги ролини тобора ошириш учун барча тадбирларни кўрмоқда.

Коммунизм қурилиши — бу оммаларнинг жонли ижодкорлик ишидир. Коммунизм сари олға қадам ташлаб борганимиз сари оммаларнинг ижодий ташаббускорлиги, фаоллиги, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўз-ўзини бошқариши ҳар томонлама кенг ва тўлароқ юксалиб бораверади. Социалистик демократиямизнинг ривожланиши ҳамда такомиллашуви ҳам асосий мақсадга — омма ташаббускорлиги ва ижодкорлигининг тобора тўлароқ ва эркинроқ рўёбга чиқиши учун кенг имконият очиб беришдан иборатдир.

Социалистик демократиямизнинг принципи шундан иборат, «оммаларнинг ҳар бир вакили, ҳар бир граждани шундай шароитга қўйилиши лозимки, у давлат қонунларини муҳокама қилишда ҳам, ўз вакилларини сайлашда ҳам, давлат қонунларини ҳаётга татбиқ этишда ҳам иштирок эта олсин».

Доҳийимиз В. И. Ленининг бу доно васиятига амал қилиб, партия социалистик демократияни янада ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тадбирларни изчиллик билан амалга оширмоқда. Совет жамиятининг бутун сиёсий ташкилоти, халқ депутатлари Советлари барча меҳнаткашлар, ҳамма гражданларнинг давлат ишларида бевосита қатнашувини таъминлайдиган даражада такомиллаштирилмоқда.

П. АЪЗАМОВ,
фалсафа фанлари кандидати,

И. САЪДУЛЛАЕВ,
тарих фанлари кандидати.

ОҚҚЎРҒОН районидаги тўқимачилик-галантерея фабрикасининг илғор тикувчилар бригадаси бошлиғи Қундуз Исломова. Бу пешқадам чевар смена топшириқларини мунтазам ошириб бажариб, айни кунларда ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили ҳисобига меҳнат қиляпти.

Бўка районидаги «Бўка» совхози территориясида жойлашган 87-ҳунар-техника билим юртида таълим ишлари яхши йўлга қўйилган. Бу ерда амалий машғулотларга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Суратда: ўқувчилар устахонада.

Х. Аввалов фотоларн.

КОМСОМОЛ АХБОРОТИ

САФЛАР КЕНГАЙМОҚДА

«ЎЗБЕКХИММАШ» заводининг комсомол-ёшлари социалистик мусобақани кундан-кунга қизитиб бормоқдалар. Жуда кўп бригадалар «Зарбдорчасига, ленинчасига ишлаймиз!» шиори остида меҳнат қилиб, кунлик топшириқларини мунтазам ошириб адо этмоқдалар. В. Коростин, К. Нурманбетов кабн илғор комсомоллар аъло сифат ва энг юксак меҳнат унумдорлигига эришмоқдалар.

Корхонада И. Токмаков бошлиқ слесарь-йиғувчилар бригадаси москвалик ва ленинградликларнинг доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги нишонланадиган кунгача шахсий беш йиллик топшириқларини бажариш ташаббусига қўшилган эди. Ҳозир корхонада бундай комсомол-ёшлар бригадаларининг сони 13 тага етди.

1985 ЙИЛ ҲИСОБИГА

АНГРЕНДАГИ керамика комбинати доҳий юбилейини муносиб кутиб олиш учун курашмоқда. Корхона аҳли Ватанимиз пойтахти Москвада бўладиган «Олимпиада-80»га бир қатор сифатли буюмлар тайёрлаган. Комсомол-ёшлар бу ишда ҳам актив фаолият кўрсатишмоқда.

Керамика комбинатининг бир қатор ёшлари оширилган социалистик мажбуриятлар олишмоқда. Комсомол аъзоси, фрезерчи Собир Маюнусов бу ҳаракатнинг пешқадами бўлди. Ишлаб чиқариш илғори Ленин юбилейигача икки беш йиллик топшириғини знёдаси билан адо этишга ахд қилди. Собир Маюнусов шу кунларда 1985 йил ҳисобига маҳсулот топширяпти.

САНЪАТ БАЙРАМИ

ЯНГИЙЎЛ район комсомол комитети ёшларнинг ишдан кейинги бўш вақтларини намунали ташкил этиш учун бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Колхоз ва совхозлар, турли ташкилотларда оммавий ва сиёсий ишларнинг юксак даражада олиб борилишига эришиляпти. Айниқса жойларда бадиий ҳаваскорлик тўгараклари иши яхши йўлга қўйилган. Яқинда район бадиий ҳаваскорларининг конкурси ўтказилди. Унда Ўрта Осиё машина синаш станциясининг вокаль-чолғу ансамбли коллективи бош совриН эгаси бўлди.

Янгийўл биохимия заводи иссиқлик электр маркази цехларо социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Мастер Ю. А. Абазов цехнинг энг илғор смена мастери ҳисобланади. У раҳбарлик қилаётган смена электр асбоб ускуналарининг доим бир маромда ишлашини таъминлямоқда. Ушбу суратда Ю. Абазовни бошқариш пульти олдида кўриб турибсиз.

А. Палехов фотоси.

ФАРОВОНЛИК САРИ

Қишлоқ Совети территориясида ободончилик ишлари авж олдириб юборилган. «Партия XXIV съезди» совхозида Ильичевск номи билан янги посёлка қад кўтармоқда. Унда янги уй-жойлар, маданий-маиший объектлар қурилишига алоҳида аҳамият берилаётир. 140 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. 150 ўринли касалхона, 624 ўринли мактаб қад ростламоқда. Посёлкада кўкаламзорлаштириш ишлари авж олдириляпти. 1979 йил давомида совхознинг янги идораси фойдаланишга топширилди.

Энгельс номли колхозда ҳам уй-жойлар йилдан йилга кўпайтирилмоқда, типовой болалар боғчаси, ҳаммом қурилиб ишга туширилди. Гараж ва 300 сигирга мўлжалланган молхона қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. «Олмазор» совхозтехникумининг 3-бўлимида 320 ўринли янги мактаб бинося қурилиб ишга туширилди.

Бундан ташқари кейинги икки йил ичида қишлоқ Совети территориясида 53 оила янги уйларга кўчиб ўтди.

Яқин йиллар ичида яна бир нечта ана шундай уйлар бунёд этилади. Ўтган 1979 йилда — Халқаро болалар йили сифатида кенг нишонланган йилда мактаблар ва болалар боғчаларида ўринлар сони ортди. Ҳозир қишлоқ советимизда 8 та мактаб мавжуд бўлиб 2360 тадан ортиқроқ ўғил-қиз таълим олмоқда. Болалар боғчаларида тарбияланаётган кичкинтойлар сони 250 нафардан ошди.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш халқ депутатлари қишлоқ Советининг доимий диққат марказидадир. 1 та дорихона, 16 та фельдшерлик ва акушерлик пунктлари ишлаб турибди.

Қишлоғимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Бауман округи сайловчилари олдида сўзлаган ёрқин нутқини зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Улар катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжатларга амалий иш билан жавоб бериш учун ўзаро социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдириб бўлажак ҳосилга мустаҳкам замин яратмоқдалар.

А. АЖИМУРОДОВ,
халқ депутатлари Ленин номли қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси.

ҚУРИЛИШЛАР ҒИШТ КУТМОҚДА

Саккизинчи ғишт заводлари бошқармаси республикамиз индустрияси шу тармоғининг энг йирик корхонаси ҳисобланади. Бошқарма заводлари ҳар йили 120 миллион дона иморатбоп ғишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган, 120 миллионта! Шу миқдордаги ғиштдан қанчадан-қанча турар-жойлар ва бошқа бинолар қад кўтариши мумкин?! Буни бир тасаввур қилиб кўринг-а!

Шунинг учун ҳам бошқарма областимизнингина эмас, ҳатто республикамизнинг байроқдори бўлиши керак. Аслида қандай бўлаяпти? Флагман деган номни оқлаяптими? Бир сўз билан бундай баҳони қатъий бериб бўлмайди, албатта. Чунки, коллектив фаолиятининг ижобий ва салбий томонлари бор. Тўғри маҳсулотни реализация қилиш бўйича давлат планлари бажариляпти. Учма-уч бўлса ҳам ҳар ҳолда уддаламмоқда.

Масалан, ўтган йили ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни буюртмачиларга етказиб бериш топшириқлари тўла бажарилди. Асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар 1978 йилдагига нисбатан сезиларли даражада яхшиланди. Ғиштни реализация қилиш ҳажми, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, фойда олиш анча ортди.

Ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йили дастлабки ойида ҳам силжиш бўлди. Маҳсулот реализация қилиш ойлик плани ҳатто ортиги билан адо этилди. Республикамиздаги ўнлаб катта-кичик қурилишларга қўшимча 200 минг дона пишиқ ғишт етказиб берилди.

Юзаки қараганда корхона коллективининг фаолияти дурустдек кўринади, лекин, бошқарма ишлаб чиқаришининг аҳволига чуқурроқ кириб борилса, коллектив иш натижалари синчиклаб таҳлил қилинса катта-катта камчиликлар ҳам содир бўлаётганлиги кўзга ташланади.

Аввало шуни айтиш керакки, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планлар сурункасига уддаламмаяпти. У ўтган йили 98 процентда қолиб кетди. Бу йил ҳам яхши эмас. Бу, асосан ишлаб чиқариш резервлари ва имкониятларидан тўла фойдаланилмаслиги оқибатида содир бўлмоқда. Шу резервлар ишга солинганда эди, коллектив меҳнати натижаси анча баракали бўларди.

Энг муҳим кўрсаткичлардан бири меҳнат унумдорлигини олиб кўрайлик. Айтиш керакки, бир неча йилдан бери унумдорлик оқсаб келаяпти. Унинг белгиланган даражада ўсмаслиги ишлаб чиқаришга салбий таъсир қилмоқда. Ўтган йили у 91,8 процентни ташкил этди. Бу йил ҳам кўнгилдагидек бўлмаяпти.

Тўғри, бошқарма раҳбарлиги иш унумини оширишга ҳаракат қилмоқда. Ҳар йили техника тараққиётини жадаллаштириш, прогрессив технология ва илғор иш усулларини жорий қилишга қаратилган тадбирлар белгиланяпти. Лекин, афсуслар-ки, жойи шундаки, бундай ташкилий-техникавий чораларни амалга оширишда суст кашлиққа йўл қўйиляпти. Одатда белгиланган ҳар бир шундай тадбирни амалга оширишга масъулятли ходим белгиланади, аммо уларга нисбатан етарли даражада талабчанлик қилинмайди.

Бу сохада хотиржамлик кайфияти ҳукм сурмоқда. Худди шу туфайли ҳам техникани тараққий эттиришга қаратилган тадбирлар жуда секинлик билан амалга оширилмоқда, айримлари эса қоғозлигича қолиб кетяпти. Мавжуд асбоб-ускуналардан фойдаланиш ҳам талабга мутлақо жавоб бермайди. Техника қаровининг пухта ташкил этилмаганлиги оқибатида машина-механизмлар белгиланган муддатларда техника назоратидан ўтмайди, профилактик ремонт ишлари график асосида амалга оширилмайди.

Бунинг оқибатида қисмларнинг ишдан чиқиш, синиш ҳоллари тез-тез содир бўлиб туради. Натижада машина-механизмлар кўпинча тўхтаб қолади. Бундай вақтда яна қўл кучига зўр берилади. Ваҳоланки, шундоқ ҳам корхонада ишлаб чиқаришнинг кўпдан-кўп жараёнларини бажаришда жисмоний куч ишлатилмоқда.

Бошқарма заводларида ишлаб чиқаришнинг механизация даражаси жуда паст. Унумли тахловчи автомат агрегатлар ҳам тўла ишлатилмайди. Яқинда 5-заводда яна бир шундай агрегат ишга туширилди. Иш шароитини тубдан яхшилаб, ишчиларни оғир қўл кучи меҳнатидан халос қилувчи бундай машиналар ҳам арзимаган деталларнинг йўқлиги ёки етишмаслиги оқибатида тез-тез тўхтаб қолади. Умуман эҳтиёт қисмлар масаласида корхонага ёрдам бериш керак. Ўзбекистон ССР Биноқорлик материаллари саноати министрлигидагилар бу соҳада ваъдадан нарига ўтишмаяпти.

Агар ғиштни автомат равишда тахловчи ва бошқа барча асбоб-ускуналар мутасил ишлаб турса, шубҳасиз ишнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари янада яхши бўларди. Ҳозир эса маҳсулот сифатини талаб даражасида деб бўлмайди. Паст маркали ғишт кўп ишлаб чиқарилгани ҳолда юқори маркалилари кам тайёрланмоқда. Нотекис, ғадир-будир ғиштларнинг кўплиги буюртмачиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Ғишт пиширишдавомида технология режимига ҳар доим тўла риоя қилмаслик, лойнинг яхши қорилмаслиги, орасида бўшлиқларнинг қолиши натижасида ғишт мўрт бўлмоқда. Ортиш, тушириш, ташиш вақтида синиб, кўплаб нобуд бўлмоқда.

Ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида «100» маркали ғишт миқдори ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотнинг 45 процентини ташкил этиши керак эди. Давлат планида шундай вазифа қўйилган эди. Амалда эса у 34 процентдан ҳам ошмади. Шу йилнинг январь ойида бу соҳада янада орқага кетилди. Бор-йўғи 17,4 процент ғишт юксак марка билан чиқарилди. Топшириқда эса унинг 39 проценти шундай бўлиши назарда тутилган эди. Корхона ҳар минг ғишт ҳисобга уч сўмдан зарар кўрди. Шу зарар туфайли бошқарма ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш, яъни маҳсулотни пул ифодасида тайёрлаш планини адо эта олмади.

Бошқарма заводларида меҳнат интизоми ва ишчи кучи қўнимсизлиги ҳам кўнгилдагидек эмас. Биргина ўтган йили корхона коллективи деярли ярмига янгиланди. Йил давомида 469 киши ишга қабул қилинган бўлса, 368 киши коллектив сафидан кетди. Прогул 3649 ишчи кунини ташкил этди. Бу корхона бир йил давомида бир неча кун ишламади демакдир. Агар қўнимсизлик, прогул шу даражада бўлмаганида албатта коллектив фаолияти кўрсаткичлари анча дуруст бўларди.

Ишлаб чиқариш жараёнининг бир маромда бормаслиги, иш шароитининг талаб даражасида бўлмаслиги, ишлаб чиқариш маданияти ва саноат эстетикасининг жорий этишга қаратилган чораларнинг амалга оширилмаслиги, ишчи-хизматчиларга кўрсатилаётган маданий-маиший хизматнинг кўнгилдагидек эмаслиги ва бошқа шу каби нуқсонлар ҳам меҳнат интизомининг бўшашишига, ишчи кучи қўнимсизлигининг камаймаслигига олиб келмоқда.

Бошқарма ишчиларининг уй-жой шароитларини яхшилаш юзасидан маълум ишлар қилиняпти. Корхона ишчи-хизматчилари истиқомат қилаётган микрорайон посёлка даражасига етиб қолган. Бу ерда юзлаб оилалар яшайди. Уй-жой фонди янада кенгаймоқда. Корхона маъмурияти, жамоат ташкилотларининг ҳаракати билан 72 оилага мўлжалланган яна бир кўп қаватли уй қурилишига маблағ ажратилди. Лекин, янги турар-жой қурилиши ўтакетган даражада суст бормоқда.

Республика Қурилиш министрлигига қарашли 6-трестнинг 109-механизациялашган кўчма колоннаси раҳбарлари бу уй қурилишига панжа орасидан қарамоқдалар. Уларнинг масъулятсизлиги туфайли ўтган йили ажратилган 200 минг сўмлик капитал маблағнинг атиги ярми ўзлаштирилди. Бу йил эса иш янада сусайтириляпти. Январь ойида қурилиш плани бор-йўғи 15 процент қилиб бажарилди, 34 минг сўм ўрнига 5 минг сўмлик иш бажарилди. Сабаб — Чирчиқ уйсозлик комбинати панелларни етказиб бермаяпти.

Сметадаги баҳоси 596 минг сўмлик бу уй шу суръатда барпо этиладиган бўлса, у бир неча йил давомида ҳам фойдаланишга топширилмаслиги мумкин.

Бошқарма республика ғишт саноатининг етакчи корхонаси, флагмани дедик. Бир вақтлар корхонада йилига 117 миллион донага етказиб ғишт ишлаб чиқарилар эди. Ўтган йили эса 100 миллион 547 мингта тайёрланди. Албатта, бу кўнгилсиз бир ҳолдир. Қурилишлар учун ғишт тобора кўпроқ талаб қилинаётган бир пайтда уни камайтириб юборишни бошқача баҳолаб бўлмайди.

Барча техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, резервлар ва имкониятлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш талаб этилади. Коллектив куч-гайратини шу вазифаларни амалга оширишга сафарбар этиш, оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар савиясини янада кўтариш ва уни ишлаб чиқариш масалалари билан узвий боғлаган ҳолда олиб бориш лозим.

М. МИРҲАМИДОВ.

ҚОЛОҚ КОРХОНАЛАР ЙЎҚЛАМАСИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«КЛУБ НЕГА ҚУЛФ?»

Газетанинг 8 январь сонида Бўстонлиқ районидаги Сойлиқ, Хондойлиқ, Думалоқ ва Қўшқўрғон қишлоқ Советларига қарашли территориялардаги клубларда аҳвол ачинарли эканлиги, келтирилган миллий чолғу асбоблари клуб мудирларининг уйида эканлиги, хуллас юқорида номлари саналган қишлоқ Советларидаги клублар кўпинча қулф эканлиги танқид қилинган эди.

Халқ депутатлари Бўстонлиқ район Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ А. Айдарқуловнинг имзоси билан олинган жавоб хатда айтилишича газетада босилган «Клуб нега қулф» сарлавҳали мақола халқ депутатлари район Советининг мажлисида муҳокама қилиниб, қарор қабул қилинган ҳамда Сойлиқ, Хондойлиқ, Думалоқ ва Қўшқўрғон қишлоқ Советларида мавжуд камчиликларни тугатиш, маданий-оммавий ишларни яхшилаш юзасидан тегишли тадбирлар ишлаб чиқилиши, район маданият бўлимига эса номлари айтилган қишлоқ Советларига методик ёрдам беришни топширган.

Район Совети белгиланган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш район ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Р. Нуртоевга юкланган.

Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикаси коллективи В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқда. Унда иштирок этаётган кўпгина чеварлар юксак меҳнат кўрсаткичларига эришишяпти. Ольга Гриневич ҳам шундай пешқадамларнинг бири. Ҳозирги вақтда у ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишламоқда. Моҳир ишчи кўпи кеча шаҳар Совети депутатлигига сайланди.

В. Сироткин фотоси.

ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАР СОВЕТИНИНГ 1980 ИИЛДА ЧИГИТНИ ЭРТА МУДДАТЛАРДА ҚИСҚА ВАҚТДА ВА СИФАТЛИ ЭКИШ ҲАМДА УНИ ТУПРОҚНИНГ ТАБИИИ НАМИГА ТЎЛА ВА БИР ТЕКИС УНДИРИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН

ТАВСИЯЛАРИ

ОБЛАСТЬ қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми, Узбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг катта ёрдамига таянган ҳолда фидокорона ва қаҳрамонона меҳнат билан, партия ташкилотлари, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларининг кундалик ташкилотчилик ва сиёсий ишлари тўғайли ноқулай об-ҳаво оқибатларини бартараф этдилар ва 1979 йил плани ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажардилар.

Область пахтачилик хўжаликлари биринчи марта давлатга 471,6 минг тонна пахта сотдилар. Бу пахта тайёрлаш йиллик ҳажмида белгиланганидан 51,6 минг тонна, 1975 йилда эришилган натижадан эса 9,6 процент кўпдир. Область бўйича ҳар гектар майдондан 34,7 центнердан ҳосил олинди. Ялпи ҳосилнинг 81,8 процценти машиналарда терилди.

Область меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида қўйилган илҳомбахш истиқболлар ва конкрет вазифалардан руҳланиб, катта сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида 1980 йил — ўнинчи беш йиллик якунловчи йилига қадам қўйдилар. Улар 1980 йил учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Область меҳнаткашлари тўплаган бутун тажрибаларини бу йил 1979 йил рекорд натижасини такрорлаш ва янада катта марраларни эгаллашга қаратмоқдалар.

Область пахтакорларининг ўнинчи беш йиллик якунловчи йили учун қабул қилган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари муваффақиятли бажарилишини таъминлаш район, колхоз, совхоз, бригадалар олдига чигитни эрта муддатларда қисқа вақтда ва сифатли экиш ҳамда уни тупроқнинг табиий намига тўла ва бир текис ундириб олиш соҳасида катта ва масъулиятли вазифалар қўймоқда.

Шу мақсадда область пахтакорлар совети баҳорнинг бу йилги шароитларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги агротехника тадбирларини ўтказишни тавсия этади:

1. ЕРНИ ВА ТЕХНИКАНИ ЧИГИТ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ

ТАЖРИБА область шароитида чигитни эрта муддатларда экиш ҳосилни эрта пишар қилиб етилтириш, уни ёғингарчиликлар бошлангунга қадар йиғиштириб олишни тугаллаш ҳамда юқори ҳосил олишда яхши натижалар беришини кўрсатади. Ҳар бир район, хўжалик ва ҳар бир бригадада буни ҳисобга олган ҳолда юксак уюшқоқлик. кўрсатиш, об-ҳаво қулай келган ҳар бир соат ва кундан имкони борича самарали фойдаланиш, далаларни чигитни эрта экишга ўз вақтида ва сифатли тайёрлашни таъминлаш зарур. Далаларни экишга тайёрлашда ишлатиладиган барча механизмлар, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари бевосита иш жойида бўлиши устидан назорат ўрнатиш керак. Техниканинг юксак унум билан ишлатилиши учун механизаторларга, дала ишларида банд бўлган колхозчилар ва совхозларнинг ишчиларига зарур маданий-маиший шароитларни яратиш лозим.

Далаларни эрта баҳорда бороналашни имкони борича қисқа муддатларда ўтказиш биринчи галдаги энг муҳим вазифадир.

Шу мақсадда ерга ишлов берадиган агрегатларни бороналар билан комплектлашга эътибор бериш муҳимдир. Кичик пайкалларни бороналаш учун ҳайдов тракторларига 24 борона кетма-кет тиркалиши керак. Ғилдиракли тракторларга эса камида 12 борона тиркалиши лозим. Ҳар бир хўжаликда бороналашни 3 кеча-кундузда тугаллашни таъминлаш учун зарур миқдорда тракторларни тайёрлаб қўйиш ва уларни бороналар билан комплектлаш керак. Бунга эришиш учун бороналашни кечаю-кундуз ўтказиш, айниқса тунги пайтда иш сифати устидан назорат ўрнатиш лозим.

Ҳар бир ёғингарчиликдан сўнг қатқалоқни юмшатиш мақсадида бороналаш керак эмас. Чунки, трактор ва агрегатлар далада ортиқча юрса, тупроқ структурасини ўзгартиради ва ерни қотириб юборади. Эрта баҳорги бороналаш муддатлари тупроқнинг 8—10 сантиметр юзаси етилиши ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Такрор бороналаш ўтказишни тупроқ қатламининг аҳволига қараб белгилаш лозим.

Шудгорлашдан сўнг яхоб суви берилган майдонларда эрта баҳорги бороналашни ўз вақтида ўтказиш айниқса зарурдир. Чунки, бу ҳолда бороналаш зарарли тузларнинг ер юзасига кўтарилиши олдини олади. Шўри ювилган ёки яхоб суви берилган оғир тупроқли майдонларда ер юзаси қотиб қолади. Бу майдонлар эрта баҳорда бороналангани билан тупроқ майинлашмайди.

Бу ҳолда далаларни бороналаш билан бир вақтда дискали чизеллар билан чизеллаш керак.

Далаларни экишга тайёрлаш ва бороналашда экин майдонлари ғўзапоя қолдиқларидан ва кўп йиллик бегона ўтлар илдизларидан тўла тозаланган бўлиши зарур. Бегона ўтлар кўп таркалган майдонларда бу ўтлар илдизларини йўқотиш учун 8—10 сантиметр чуқурликда тўла культивация ўтказиш ёки кесувчи ишчи органлари ўрнатилган чизеллардан фойдаланиб, илдизларни қўлда териб олиш лозим.

Суғориладиган майдонларда тўлиқ гектарлар ҳосил қилиш учун пайкалнинг ҳамма қисмини, айниқса, уватларни дискали чизеллар билан чизеллаш керак. Бундан олдин бу жойларга чиритилган гўнг солиш лозим.

Қузда ҳайдолган майдонларда биринчи навбатда пастбаланд жойларни текислаш зарур.

Далаларни чигит экишга тайёрлашда барча майдонлар текис бўлишига эришиш керак.

Экишдан олдин далаларга минерал ўғит солиш муҳим агротехник тадбирдир. Минерал ўғитлар солинмасдан шудгор қилинган хўжаликларда далаларни экишга тайёрлаш даврида тупроқ агрохимия картограммалари асосида ўғит солиниши зарур. Минерал ўғитлар тупроқнинг 13—17 сантиметр чуқурлигига солинади.

Илғор хўжаликлар тажрибаси ва кейинги йилларда ўтказилган тадқиқотлар **чигитни эгатнинг пуштаси ва қирраси**га экиш жуда истиқболли усул эканлигини кўрсатди. **Эгатнинг пуштаси ва қирраси эртароқ ва яхши қизийди.** Чигит экиш даврида тупроқнинг 5 сантиметр чуқурликдаги ҳарорати об-ҳаво шароитига қараб текис даладагига қараганда 0,9—3,1 даража иссиқ бўлади. Бу ерларда қатқалоқ ҳосил бўлмайди. Тупроқнинг микробиологик ҳолати учун қулай шароитлар яратилади. Буларнинг ҳаммаси пахтани эрта етилтириш билан бир қаторда ҳар гектар майдондан 4—5 центнердан қўшимча ҳосил олиш имконини беради.

Ҳар бир бригадада, ҳар бир хўжаликда ва районда далаларни чигит экишга тайёрлаш бўйича агротехник тадбирларнинг бутун комплексини 20 мартдан кеч қолмай тугаллашга эришиш муҳимдир. Ҳамма жойларда далаларнинг экишга тайёрлиги сифат бўйича комиссия томонидан акт билан қабул қилиб олиниши керак.

II. ЧИГИТНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ

ЧИГИТНИ ҳар бир хўжалик учун энг қулай муддатларда, яхши тайёрланган далаларга экиш, пахтани эрта етилтириш ва юқори ҳосил олишнинг муҳим омилларидан биридир. Бунинг учун чигитни тўла ва бир текис ундириб олишга эришиш керак. Бунинг асосий омилларидан бири чигитни экишга тўғри тайёрлашдан иборат.

Ғўза ниҳолларининг кузги тунлам ва кемирувчи ҳашоратлар томонидан зарарланиши, гоммоз ва илдиз чириш касалликларининг олдини олиш мақсадида чигитни экишга тайёрлашга жиддий эътибор бериш керак.

Чигитни эрта ва текис ундириб олиш учун тукли чигитларни экишдан олдин намлаш лозим. Бу жараён барча хўжаликларда марказлаштирилган ҳолда олиб борилиши керак. **Чигитни чуқурларда намлаш қатъиян манъ қилиниши зарур.** Чигит асфальтланган ёки бетонлаштирилган майдонларда, имкони борича қуёш нури тушиб турган жойда намланиши лозим. Намланган чигит, албатта, 6—8 соат мобайнида брезент билан ёпилиб, димланиши шарт. Областнинг кўпгина хўжаликларида аввалги йиллардаги тажриба чигитни экишга тайёрлашда марказлаштирилган ҳолда намлаш, бунда механизмлардан фойдалнишнинг самарадорлигини кўрсатди. Чигитни экишга бундай тайёрлаш усулида уруғлик устки қисмидаги кимёвий препаратларнинг ювилиб кетишининг олди олинади.

Бунинг учун чигитни биринчи намлаш пайтида ҳар тонна тукли чигит учун 350 литргача сув сарфланиши керак. Шундан сўнг чигит 8 соат мобайнида димланиши лозим. Чигит икки марта намланганда ҳар тонна тукли уруғликка 700 литрдан кўп сув сарфламаслик керак. Бу чигитнинг намлик даражаси 70—80 процент бўлишини таъминлайди.

Уруғлик ҳар куни экишга керак миқдорда тайёрланиши лозим. **Уруғликнинг бузилишига ортиқча сарфланишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.** Ҳар гектар майдонга уруғлик сарфи қуйидаги миқдордан ортиқча бўлмаслиги керак: туксизлантирилган чигит —25—30 килограмм. Тукли чигит қатор оралари — 60 сантиметр майдонларга 70 килограмм, қатор оралари 90 сантиметр майдонларга 60 килограмм.

Пахта тозалаш заводларида мис трихлорфеноляти билан дориланган уруғлик чигитга намлангандан сўнг илдиз чириш касаллигига қарши 80 процентли ТМТД порошоги ва 12 процентли гексохлоран билан ишлов берилиши керак. Бунда ҳар тонна қуруқ чигитга 8 килограммдан ТМТД ва 40 килограммдан гексохлоран сарфланиши лозим. Чиноз пахта тозалаш заводида фентнурам билан дориланган тукли чигитлар ТМТД ва гексохлоран билан қўшимча дориланмайди.

Аввалги йиллар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, область хўжаликларида қайтадан бузиб экишда ҳар йили асосий майдонларга экилган навли чигитлардан фойдаланилаяпти. Бунинг оқибатида кўп вақт йўқотилади. Чигит такрор экилган майдонларда ғўза ўсиш ва ривожланишдан, ҳосил тўплашдан ва етилишдан орқада қолади. Ўз навбатида бу йиғим-терим муддатларининг чўзилиб кетишига, ҳосилдорликнинг камайишига олиб келади. Буни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир хўжаликда эрта пишар навлар (С-4727, Тошкент-6) чигитларининг эҳтиёт фондига эга бўлиш керак. Такрор экиш зарур бўлиб қолганда фойдаланадиган бу уруғлик камида жами экин майдонининг 25—30 процентига етадиган миқдорда бўлиши лозим.

Пахта тозалаш заводларидан олинган чигитнинг униб чиқиш қобилиятини аниқлаш учун хўжаликларда синаб кўрилиши керак. Бунда Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозининг чигитни вентиляторлар ёрдамида сараласи тажрибасидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Район қишлоқ хўжалик бошқармалари, уруғчилик-контроль лабораториялари, ўсимликларни ҳимоя қилиш станциялари мутахассислари, колхоз ва совхозлар агрономлари пахта тозалаш заводларида ва дорилаш цехларида чигитни туксизлантириш ва дорилаш сифати устидан назоратни кучайтиришлари керак. Чигитни дорилаш учун препаратларни сарфлаш нормасига қатъий риоя қилиш, хўжаликларга сифатсиз дориланган чигитларнинг жўнатилишига йўл қўймаслик лозим. 5 мартдан кечикмасдан уруғлик чигит хўжаликларга келтириб бўлинсин.

Хўжаликларда уруғлик чигитни сақлашнинг аҳволи текшириб кўрилсин. Уларни очиқ жойда ёки дала шийполарида сочиб қўйган ҳолда сақлаш ғайр қўйилмасин. Бундай ҳоллар аниқланганда, айбдорлар жиддий жавобгарликка тортилсин.

III. ЧИГИТ ЭКИШДАН АВВАЛ ВА ЭКИШ ДАВРИДА ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Чигит экишни қисқа муддат ичида уюшқоқлик билан ўтказиш учун ҳар бир хўжалик ва районда якин кунлар ичида экиш агрегатларини далаларга биркитиб қўйишини тугаллаш керак. Бунда ҳар бир экиш агрегатига тўғри келадиган майдон 40 гектардан ошмаслиги керак. Шунда ҳар бир тракторчининг ўзи чигитни 6—8 иш кунида сифатли экиб, ишлов беришга улгуради.

Шунингдек, тракторларнинг экиш ва қатор ораларига ишлов бериш пайтида пайкалга кирадиган ва чиқадиган жойларини белгилаб қўйиш лозим.

Бу ишларни сифатли ўтказиш мақсадида механизатор кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш керак. Барча хўжаликларда ва районларда 20 мартгача экиш экипажлари конкурслари ўтказилсин.

Экиш экипажлари ўртасида техникадан юксак унум билан фойдаланиш, чигитни эрта, қисқа муддатларда ва сифатли экиш, кам уруғлик сарф қилиш, чигитни табиий нам ҳисобига тўла ва бир текис ундириб олиш учун социалистик мусобақа ташкил этилсин.

Экиш агрегатларининг юксак унум билан ишлашига эришиш учун ҳар бир бригадада ишчи кучини рационал тақсимлаш, агрегатларга уруғлик, минерал ўғит, гербицид, ёнилғи, мойлаш ва бошқа зарур нарсалар олиб келадиган кишилар ишини аниқ ва бир меъёрда бўлиши таъминлансин.

Экиш агрегатларига хизмат кўрсатиш ипатоволиклар усулида йўлга қўйилсин. Бунда меҳнатни ташкил қилишнинг звено принципи сақлаб қолинсин. Тракторларни ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш, техника қаровини ўтказиш, экиш агрегатлари ва бошқа техника воситаларининг ишдан чиққан қисмлари бевосита иш жойининг ўзида созлансин. Бу ишларни ўтказиш учун ҳар бир хўжаликда заправка машиналари, зарур эҳтиёт қисмлар, пайвандлаш аппаратлари билан жиҳозланган, малакали созловчи-слесарлар билан комплектлаштирилган кўчма ремонт устахоналари ишини кеча-ю-кундуз йўлга қўйиш таъминлансин.

IV. ГЕРБИЦИДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

БУ ЙИЛ область пахтакорлари барча майдонларга чигит экишни ерга бир йўла минерал ўғитлар ва гербицидлар солиш билан қўшиб ўтказишни мўлжалламоқдалар. Гербицидлардан самарали фойдаланиш мақсадида экиш бошлангунга қадар олинган препаратлар бригадаларга нормага мувофиқ тақсимлансин. Улар полиэтилен қопларга ўлчаб жойланиши, бунда бакларда қоладиган препаратлар ҳам ҳисобга олиниши керак. Экиш олдидан ПГС-2,4 мосламаси шундай созланиши керакки, гербицидлар ерга бир текис тушсин ва **қуйидаги нормаларга мос бўлсин:**

Тупроқ намлиги ортиқча ёки нормал бўлса:

— чигит қатор оралари 60 сантиметр қилиб экиладиган майдонларга — енгил тупроқли жойларга, гектарига 1,1—1,2 килограммдан; оғир тупроқли жойларга гектарига 1,3—1,5 килограммдан котоpан. Гербицид лента усулида сепиларда 1 гектарга 190—200 литр тайёр суюқлик сарфланади;

— чигит қатор оралари 90 сантиметр қилиб экиладиган майдонларга — енгил тупроқли жойларга гектарига 0,8—0,9 килограммдан; оғир тупроқли жойларга гектарига 1,2—1,3 килограммдан котоpан. Ҳар гектар майдонга 140—150 литрдан тайёр суюқлик сарфланади;

— чигит қатор оралари 60 сантиметр қилиб экиладиган майдонларга — енгил тупроқ жойларга гектарига 1,6—1,7 килограммдан, оғир тупроқли жойларга гектарига 1,9—2 килограммдан прометрин;

— чигит қатор оралари 90 сантиметр қилиб экилган майдонларга — енгил тупроқли жойларга, гектарига 1,2—1,3 килограммдан, оғир тупроқли жойларга 1,7—1,9 килограммдан прометрин.

Гербицидларни тақсимлашда шуни ҳисобга олиш керакки, прометринни шўр тупроқли майдонларда ишлатиш мумкин эмас. Чунки, бу препаратнинг шўр тупроқли майдонлардаги самараси жуда камдир.

Тупроқда нам кам бўлса тупроқ шароитини ҳисобга олган ҳолда гербицидларни сарфлаш нормасини 15—20 процентга кўпайтириш лозим.

Гербицид суюқлигини тайёрлаш учун олдиндан зарур миқдорда идишлар, водопровод ёки артезиан суви, шунингдек жиҳоз ва инвентарлар (тарози, челак ва ҳоказо) тахт қилиб қўйилиши керак. Гербицид суюқлигини сифатли тайёрлаш учун масъул кишиларни тайинлаш, иш бошлашдан аввал улар билан тегишли инструктаж ўтказиш керак.

V. ЧИГИТНИ ЭРТА ЭКИШ АГРОТЕХНИКАСИ

ЭКИШНИ тўғри тайёрланган уруғлик, яхши созланган сеялкалар билан ўтказиш ҳамда чигитни сифатли тайёрланган, етилган ва етарлича намга эга бўлган тупроққа экиш чигитни эрта, тўла ва бир текис ундириб олишни таъминлайди.

Тупроқнинг чигит тушадиган қатламидаги суткали ўртача ҳарорат тукли чигитлар учун 12—14, туксизлантирилган чигитлар учун 14—15 даража иссиқ бўлган пайт экишнинг энг мақбул муддатидир. Тупроқ яхши қизимаган майдонларга экилган чигит чириб кетади ва бир текис униб чиқмайди.

Чигит экишни ҳамма жойда авж олдириш ва уни 6—8 иш кунида тугаллаш, апрелнинг учинчи ўн кунлигидан кечикмай чигитни тўла ва бир текис ундириб олиш асосий вазифадир.

Чигит экишни биринчи навбатда енгил тупроқли, тез қизийдиган майдонларда, сўнг оғир тупроқли далаларда бошлаш керак.

Чигитни бир текис ундириб олишда уруғликни бир текис чуқурликка тўғри ташлаш катта аҳамиятга эгадир. Чигитни тупроқ шароитларига қараб 4—5 сантиметр чуқурликка ташлаш лозим.

Тўқайли ва тўқай-ботқоқли оғир тупроқли майдонларда, секин қизийдиган жойларда чигитни 4 сантиметргача чуқурликка ташлаш керак.

Экиш пайтида эгатларнинг тўғри ва равон, қатор оралари бир хил кенгликда бўлишини таъминлаш зарур. Пайкал четлари, бурчаклари ва қайтиш жойларига ҳам чигит ташлаш керак.

Чигит экиш билан бир йўла суғориш эгатлари олиш ва азот ўғитлари солиш зарур. Бунда ҳар гектар майдонга 30 килограммдан ўғит солинади. Бу ўғит сошниклар ёрдамида эгатнинг икки томонига 10—12 сантиметр чуқурликка солинади.

VI. ҲАР ГЕКТАР МАЙДОНДАГИ ҒЎЗА КЎЧАТЛАРИ ҚАЛИНЛИГИ

БУ ЙИЛ областда 118,5 минг гектар майдонга чигитни кенг қаторлаб, 17,5 минг гектар майдонда қатор ораларини 60 сантиметр қилиб экиш мўлжалланган.

Ҳосилнинг мўл ва эрта пишар бўлиши йиғим-терим олдидан ҳар гектар майдондаги маҳсулот кўчат қалинлигига боғлиқ бўлади. Шу нарса аниқланганки, яганалашдан терим бошлангунга қадар обҳавонинг ноқулай келиши, ғўзанинг касалланиши ва зараркунандаларнинг пайдо бўлиши, культивация ўтказиш, эгат олиш, қатқалоқни юмшатиш пайтларида одатда ҳар гектардан 10—15 минг тупга ва ундан ҳам кўпга камаяди. Вазифа шундан иборатки, терим бошлангунга қадар область бўйича ҳар гектар майдонда камида ўртача 130 минг туп кўчат сақлаб қолишнига эришиш керак.

Илғор хўжаликлар тажрибаси ҳар бир майдоннинг тупроқ, об-ҳаво шароитлари, экилаётган нав хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўчат қалинлигини белгилашни кўрсатади. Бунда уруғ ташлаш учун ҳар қарич ердан оқилона фойдаланиш керак. Кўчатлар орасининг бир хил бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Ғўзанинг уяда биттадан бўлиши кўчатларни жойлаштиришнинг энг яхши усули ҳисобланади.

Кўп йиллик кузатувлар ва илғор коллективлар тажрибасидан келиб чиқиб областимиз шароитида ҳар гектар майдонда **қуйидаги миқдорда кўчат сақлаб қолиш тавсия этилади:**

— сизот сувлари ер сатҳига яқин жойлашган ва шу туфайли вегетация даврида ғўза жуда ўсиб кетадиган тўқайли майдонларда 120—125 минг туп;

— сизот сувлари ер сатҳидан чуқур жойлашган сарқ тупроқли ҳамда шўр тупроқли майдонларда — 130—140 минг туп;

— ғўза паст бўйли бўлиб ўсадиган кам қуватли қумлоқ майдонларда — 140—150 минг туп;

Экиш схемасини ва кўчат қалинлигини танлашда эътиборсизлик қилиш ҳосилнинг камайиб кетишига олиб келиши мумкин. Кўчат нормал қалинликда бўлганида ва бу кўчатлар ҳар метр жойда бир текис жойлаштирилганида, барча агротехник тадбирлар ўз вақтида ва юксак сифатли қилиб ўтказилгандагина мўл ва эрта ҳосил етиштириш мумкин.

Барча пахта майдонларида зарур кўчат қалинлигини таъминлайдиган даражада ғўза ниҳоллари бўлмагунга қадар чигит экишни тугалланган деб ҳисоблаш мумкин эмас. Чигит яхши униб чиққан ва ниҳоллар қалинлиги етарлича бўлган далаларда ҳам кўчат сийрак бўлиб қолган жойлар учраши мумкин. Ҳар бир эгатда кўчат қалинлиги белгиланган даражада бўлиши учун сийрак жойларга дориланган ва намланган чигитни экиб чиқиш керак.

Тажриба кўрсатадики, кўчат жуда ҳам сийрак бўлиб қолган участкаларга чигитни қўлда эмас, сеялкаларда экиш лозим. Қайта экиладиган чигит аввалги уяларнинг 5 сантиметр ёнига ташланади. Бунда кўчатнинг бир текис ва тўғри жойланишига эришилади ҳамда экиш муддатлари қисқаради.

Ғўза кўчатларини тўғри жойлаштириш ва яганалашни сифатли ўтказиш учун ҳар бир бригада зарур миқдорда шаблон билан таъминланиши керак. Бу ишда банд бўладиган колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва бригадирлар ва совхозларнинг ишчилари билан инструктаж ўтказилиши лозим.

Ягана тугалланиши билан дарҳол ҳар бир пайкалдаги кўчатнинг амалдаги қалинлигини ҳисоблаб чиқиш лозим. Бу пайкаллардаги мавжуд кўчатлар сони сифат комиссиясининг акти билан бригада бошлиқлари, механизатор ва сувчиларга биркитиб қўйилиши керак.

Чигит экиш даврида ёғингарчилик бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, ҳар бир хўжаликда ҳозирнинг ўзида қатқалоққа қарши кураш иш қуролларини тайёрлаб қўйиш лозим.

VII. ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

ҚИШДА сақланиб қолган зараркунандалар миқдорини аниқлаш мақсадида 15 мартгача тупроқ қазиб кўрилсин ва кузги тунлам, кўсак қурти ва фитономус билан зарарланган майдонлар аниқлансин. **Бу текширишлар натижаси асосида тезлик билан бедазорларни гексохлораннинг 25 процентли дусти билан дорилашга киришилсин. Бунда ҳар гектар майдонга 40 килограммдан дори сарфланиб, шундан сўнг, албатта, бедазорлар бороналаниши керак.** Гексохлоран пуркашни бедазорларни озиқлантириш билан бир йўла ўтказиш зарур.

Областнинг барча хўжаликларида далаларни кузатувчилар ажратиб, уларнинг ҳар бирига 100—150 гектардан ер бириктириб қўйилсин.

Бу ишга имкони борича ўтган йили ўрта мактабни тугаллаган қизлар тайинлансин. Бу муҳим тадбирни ўтган йили кўпгина хўжаликларда бўлганидек, бригада бошлиқлари ва уларнинг ёрдамчиларига топшириш манъ қилинсин. Ўсимликларни ҳимоя қилиш область ва район станциялари мутахассислари кузатувчилар билан зараркунандаларнинг ривожланиш биологияси ва уларни аниқлаш методикаси бўйича машғулотлар ўтказишлари керак. 1 апрелгача кузатувчилар билимларини аниқлаш учун уларнинг аттестацияси ўтказилсин.

Трихограмма кўпайтирадиган биология ишлаб чиқариш лабораториялари иши кучайтирилсин. 20 апрелгача барча майдонларга уч мартадан бу фойдали ҳашаротни тарқатиш учун зарур миқдорда трихограмма тухумлари тайёрлаб қўйилсин. Бунда ҳар гектар майдонга 3 граммдан тухум тайёрланиши керак.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг қишдан чиққанларини йўқотиш учун пахта далалари, тутзорлар, пайкал бурчаклари ва четлари, телеграф ва электр линиялари устунлари атрофидаги ёввойи ўтларни йўқотиш ишлари кенг авж олдирилсин. Шуни эсда тутиш керакки, бу ташкилий-хўжалик тадбири зараркунандаларнинг кўпайиши ва пахта ҳамда бошқа экинларга ўтишининг олдини олишда катта аҳамиятга эгадир.

Чигит экиш тугалланганидан сўнг ҳар бир хўжаликда гербицид солишга мўлжалланган 5—10 тадан ПГС (культиваторларсиз) мосламаларини тракторга тиркалган ҳолда сақлаб қолиш керак. Улардан зараркунандаларга қарши курашда кенг фойдаланиш лозим. Бу, айниқса, ипак қурти боқиш даврида катта аҳамиятга эга бўлади. Чунки, бу пайтда қишлоқ хўжалик авиацияси ва ОВХ-14 дан фойдаланиш тут барларини зарарлантириша олиб келиши мумкин.

1 апрелгача ОВХ-14 пуркагичларига тажрибали механизаторлар биркитиб қўйилиши керак. Бу тракторлардан хўжалик агроном-энтимологи раҳбарлигида группа усулида фойдаланилсин. Агрономларнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситалари ва уларнинг идишларини сақлаш ва тўғри қўллаш учун масъулиятлари оширилсин. ОВХ-14 пуркагичлари учун сувни суғориш-коллектор тармоқлари ва ариқлардан олиш ҳамда трактор агрегатларининг механизаторлар уйида сақланиши қатъиян ман этилсин.

VIII. ПАХТАЧИЛИКДА ЮКСАК ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ УЧУН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

ПАХТАЧИЛИКДА деҳқончилик маданиятини янада ошириш мақсадида барча бригадаларда, колхоз ва совхозларда далаларга сифат белгиси берилиши учун таъсирчан социалистик мусобақани ташкил этиш керак. Бу ишни далаларни экишга тайёрлашдан бошлаб етиштирилган ҳосилни тўла йиғиштириб олиш ва шудгорлашгача ўтказиш лозим. Социалистик мусобақа натижаларининг кенг ошкоралиги ва кўргазмалилиги таъминлансин.

Область пахтакорлар Совети қатъий ишонч билдиради, ки, область колхозчилари, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари партия, совет органлари раҳбарлигида В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдирадилар, чигитни эрта экишни ўз вақтида, қисқа муддатларда сифатли ўтказадилар, уни тўла ва бир текис ундириб оладилар, 1980 йил учун қабул қилган социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштирадилар.

Чет эл янгиликлари

ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК УЧУН КУРАШ ПРОГРАММАСИ

Чет элларнинг таниқли давлат, сиёсат ва жамоат арбоблари, оммавий ахборот воситалари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг сайловолди йиғилишида сайловчилар билан учрашувидаги нутқини кенг миқёсда шарҳламоқдалар. Улар бу нутқни жуда муҳим ташқи сиёсий ҳужжат деб, Совет Иттифоқи тинчликсеварлигининг янги ифодаси деб баҳоламоқдалар. Ғарбнинг уруш васвасаси ва телбаларча қуролланиш пойгаси «доктринасига» Совет Иттифоқи ер юзида тинчлик ва хавфсизлик учун изчиллик билан курашиш доктринасини қарама-қарши қилиб қўяётганлиги шарҳларда таъкидлаб ўтилмоқда.

Болгарияда чиқадиган **«Земедельско знаме»** газетаси Л. И. Брежневнинг нутқини совет тинчликсевар сиёсатининг янги ёрқин ҳужжати деб атади. Бу нутқ, деб таъкидлайди газета, бутун дунёда жуда катта шов-шувга сабаб бўлди, чунки у халқларнинг муддаолари билан ҳамоҳанг бўлиб тушди, уларнинг кескинликни юмшатиш сиёсати ғалабасига умиди ва ишончини мустаҳкамлади.

Кўнгилсиз ҳодисалар рўй бераётганига қарамай, планетамиз империалистларнинг пропагандаси исботлашга уринаётганидек, уруш тарафга қараб ривожланмаётганлиги Л. И. Брежнев нутқидаги энг муҳим хулосадир, деб ёзади Венгриядаги **«Непсабадшаг»** газетаси.

Л. И. Брежневнинг халқаро аҳволга берган таърифи ҳар бир кишига келажакка ишонч билан қараш имконини беради, дейилади **ЧССР радиосининг** шарҳида.

Вьетнам газеталари Л. И. Брежневнинг нутқини батафсил баён этмоқдалар. **«Нян зан»** газетаси Л. И. Брежневнинг: ҳар қандай ҳарбий игвогарликларга зарба бериш учун СССРнинг ҳамма зарур нарсалари бор, деган сўзларини сарлавҳа қилиб берган. Газетанинг уқтириб ёзишича, Вьетнам халқининг америкалик, сўнгра эса хитойлик агрессорларга қарши курашига берилган қудратли мадад қардош мамлакатлар бирлигининг кучини, социалистик интернационализмнинг кучини айниқса яққол кўрсатди.

АХДП Марказий Комитетининг бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри **Бабрак Кармал** бундай деди: Л. И. Брежневнинг нутқида СССРнинг бутун дунёда, жумладан бизнинг регионимизда тинчлик ва хавфсизлик учун курашни давом эттиришга қаттиқ бел боғлаганлиги ифодаланди. Улуғ Ленин асос солган ўзининг тинчликсевар ташқи сиёсатига амал қилаётган Совет Иттифоқи афғон халқининг содиқ дўсти бўлиб келганлиги ва шундай бўлиб қолишини совет раҳбари бутун дунё олдида яна бир карра тасдиқлади. Бу дўстликка ҳеч ким раҳна сола олмайди.

Франция ташқи ишлар министрлигининг вакили бундай деди: «Л. И. Брежневнинг нутқини жуда синчиклаб ўрганса арзийди. Франциянинг нуқтаи назаридан бу нутқ Франциянинг Совет Иттифоқи билан бошлаган мулоқоти давом этишини билдиради».

Франциядаги **«Монд»** газетаси совет раҳбарининг нутқини: «Л. И. Брежневнинг Афғонистон хусусидаги таклифи ғарб мамлакатларини қизиқтирди» — деган сарлавҳа остидаги мақоласида баён этиб берди. Л. И. Брежнев Афғонистондаги воқеалар муносабати билан ғарбда Советларга қарши бошланган жазаванги кескин танқид қилди ва Афғонистон ҳукуматига ҳамда халққа қарши ташқаридан ҳар қандай шаклдаги аралашувлар батамом тўхтатилиши биланоқ СССР ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга тайёр бўлишини таъкидлади, деб ёзади газета.

КОБУЛ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ШАРҲИ

КОБУЛ, 24 февраль. (ТАСС). Кобул телевиденеси қуйидаги шарҳни эшиттирди:

АДР хавфсизлик органлари, партия ва жамоат ташкилотларининг Кобул аҳолиси кўмаги билан қилган ҳаракатлари натижасида кейинги икки кунда кўп сонли террорчилар ва безорилар қўлга олинди, 200 тадан кўпроқ ўқ отиш қуроли, граналалар, портлатувчи қурилмалар ва ўқ-дори мусодара қилинди. Қурол-яроғларнинг ҳаммаси Америкада, Англияда, Покистон ва Хитойда ишлаб чиқарилган. Америка разведкачилари ҳамда уларнинг Исроил ва Миср даги гумаштали Марказий Разведка Бошқармаси ишлаб чиққан режаларга биноан ур-йиқитлар, талончиликлар ва ўт қўйишлар уюштириш йўли билан аҳоли орасида қурқув солмоқчи ва шаҳарнинг турмушини ишдан чиқармоқчи эдилар.

Кеча шаҳардаги аҳвол кўп жиҳатдан нормаллаштирилди. АДР хавфсизлик кучлари шаҳарда тартибни таъминлаш чораларини кўрмоқдалар. бунда Кобул аҳолиси ихтиёрий равишда жонбозлик билан ёрдам бермоқда.

Ислом динининг ва Афғонистон халқининг душманлари шаҳар ва қишлоқларнинг нормал турмушини бузиш, биродаркушлик уруши чиқариш мақсадида гижгижловчи варақалар тарқатдилар, дейилади сўнгра шарҳда. Улар Афғонистонни Америка империализми ва унинг гумаштали, яъни Хитой ҳукмдорлари ва Афғонистони тескаричи гуруҳларининг зиндонига айлантиришни кўзламоқдалар.

Шарҳда уқтириб ўтиладики, Кобулда қўлга олинган қуролли жиноятчилар орасида покистонлик жосуслар кўп, шунингдек АҚШ Марказий Разведка Бошқармасининг агенти Роберт Ли бор. Бизнинг миллий хавфсизлигимизга путур етказишга уринаётган чет эл жосуслари, халқимизнинг душманлари ўз қилмишлари учун жазоланади. Революцион ҳукумат пойтахтда ва бутун мамлакатда тартиб ҳамда осойишталик ўрнатади.

**Венгрия Халқ Республикаси меҳнаткашлари бу йил ўз ишлаб чиқаришдаги муваффақиятларини мамлакат ҳаётида катта воқеа — ВСИПнинг XII съездига бағишламоқдалар. Республика ишчи

БИЗНИНГ АХБОРОТ

БЕЖИРИМ ЛИБОСЛАР

ПОЙТАХТДАГИ «Ғунча» фабрикасида тайёрланаётган бежирим либослар кичкинтойларга ғоят манзур бўляпти. Корхона чеварлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини мунтазам янгилаш, улар сифатини янада яхшилаш чораларини кўраётирлар.

Ҳозир фабрикада 24 хил моделда турли болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқариляпти. Фақат шу йилнинг ўзида уч хил моделли либослар тайёрлаш ўзлаштирилди. Кичкинтойлар учун тикилаётган бежирим либосларнинг бир неча хилига 1980 йилда Москвада ўтказиладиган Олимпиада рамзи ҳам туширилган.

МАКТАБГА ЗАВОД ОТАЛИҒИ

ТОШКЕНТ трактор заводи ёш ишчиларининг кўпчилиги Куйбишев районидаги 35-мактабнинг собиқ ўқувчиларидир. Улар етуклик аттестати билан корхонага ишга келганлар. Бу завод ва мактаб ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик самарасидир.

Мактабнинг юқори синфлари ўқувчилари тез-тез завод цехларига экскурсиялар уюштирадилар. Улар бу ерда ишчи касби, донгдор ишчилар билан танишадилар.

Тракторсозлар ҳам мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда педагогик коллективга катта ёрдам кўрсатади. Ўқув маскасидаги кўпгина кўргазмали қуроллар оталиқ корхона томонидан харид қилинган. Яқинда мактабда заводнинг ривожланиш босқичларини акс эттирувчи махсус стенд тайёрланди. У ҳам ўқувчиларни касбга йўналтиришга хизмат қилади.

Трактор заводи яна 4 та мактабни ҳам оталиққа олган. Бу мактаблар битирувчиларининг кўпчилик қисми ҳам ҳозир заводда ишлайдилар.

ОЛИМПИАДА ЭМБЛЕМАСИ БИЛАН

ОЛИМПИАДА эмблемаси босилган маҳсулотлар сони кўпайиб бораётир. Уларнинг бир қисмини Тошкент спорт буюмлари фабрикаси тайёрлаб чиқаряпти. Футбол, волейбол тўплари, спортчилар сумкаси каби етти хил буюмга Олимпиада эмблемаси туширилди. Январь ойида бундай буюмлардан 100 минг сўмлиги савдога чиқарилди. Фабрика коллективи олимпиадага атаб яна тўрт хил спорт маҳсулотни ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирди. Москва олимпиадасига шундай буюмлардан бир неча минг сўмлик юборилди.

Чирчиқ заводи коллективи ҳам олимпиадага атаб турли хил буюмлар тайёрламоқда. Уларнинг бир қисми Москвага жўнатилади. Нафис, чиройли ишланган ўзбек чинни буюмлари олимпиада қатнашчиларига совға қилинади.

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

ОБЛАСТИМИЗДА кинотеатрлар тармоғи йилдан-йилга кенгайиб бораётир. Бу йил Калинин район марказида 400 ўринли кенг экранли қишки кинотеатр бинаси қурилиши тугаллананади. Бекобод районида ҳам 400 ўринли кенг экранли қишки кинотеатр фойдаланишга топширилади. Шунингдек, Ғалаба районидаги Свердлов номли колхознинг «Мингчинор» посёлкасида ҳам ана шундай кинотеатр қурилиши бошлаб юборилган. Янгийўл районидаги «Эски қовунчи» қишлоғида эса 300 ўринли кинотеатр қурилишига киришиляпти.

Ғалаба район марказида, Чиноз шаҳрида 300 ўринли кинотеатрлар бинаси лойиҳаланиб бўлинди.

ҚУВНОҚЛАР МАСКАНЛАРИ

ҲОЗИРГИ кунда Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхозда 140 ўринли болалар боғчаси қурилиши қизғин олиб борилаётир. Бу кичкинтойлар масканида қишлоқ меҳнаткашлари фарзандларининг мириқиб дам олишлари, тарбияланишлари учун ҳамма қулайликлар яратилади. Боғчада алоҳида ошхона, дам олиш хоналари бўлади. Ёнида боғ ҳам барпо этиляпти.

Бошқа хўжаликларда ҳам мактабгача тарбия муассасалари тармоғини кенгайтиришга катта эътибор берилаётир. Жумладан Тошкент районидаги А. Навоий номли ва Бекобод районидаги Ленин номли колхозларда ҳам болалар боғчалари қурилмоқда. Шунингдек, Бекобод шаҳрида ва Ғазалкентда ҳар бир 280 ўринли иккита болалар боғчаси қад кўтармоқда.

М. ЗАРИПОВ.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

«ҲИССИЁТНИНГ ҚАЙТИШИ»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИДА

НАМОЙИШ ҚИЛАДИ

Сценарий муаллифи — Роза ХУСНУТДИНОВА.
Постановкачи-режиссёр — Марк ОСЕПЬЯН.

Фильм воқеалари шу кунларда татар қишлоқларидан бирида бўлиб ўтади. Ёшлик даврлари ўтган ана шу қадрдон жойларни кўргани келган ёш келин-куёв Альфия ва Раилнинг ҳамқишлоқлари ва ўзлари учун азиз бўлган ерлар билан учрашуви уларни ҳаёт ҳақида, одамийлиқни ва ҳаётда тутган ўринлари ҳақида ўйлашга мажбур қилади.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

СТУДИЯ САҲНАСИДА

Йигирма йилдан ошдики, Тошкент Давлат консерваторияси ҳузурида студентлар опера студияси ишлаб турибди. Унинг репертуарида ҳозир совет, рус ва чет эл классик композиторларининг бир неча асари бор.

Студияда доим ижодий изланиш ҳукмрон. Ёш санъаткорлар ўз мухлисларини янги-янги спектакллар билан хушнуд қилиш орзуси билан яшайдилар. Бу ҳолни янги саҳналаштирилган опера асарлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Яқинда бир йўла иккита спектаклнинг премьераси бўлиб ўтди. Булар жаҳон музика маданиятининг дурдоналарига айланган «Иоланта» ва «Фигаронинг уйланиши» операларидир.

А. АБРОРОВ.

ЁЗУВЧИ БИЛАН УЧРАШУВ

«Резинотехника» заводининг залида Ангрен шаҳри ишчи-хизматчиларининг ёзувчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Йиғилганлар ёзувчилардан М. Гребенюк, Сайёр ва бошқаларни кутиб олишди. Меҳмонлар ангренликларга ўзларининг ижодий фаолиятлари, келгуси иш режалари ҳақида сўзлаб бердилар.

А. РАЗЗОҚОВ.

МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Коммунистик тарбия самарадорлигини ошириш ва халқ турмуш маданиятини ривожлантириш борасида Паркент районида кўп ишлар қилинди. Район маданият ходимларининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ана шу масала билан боғлиқ бўлган вазифалар муҳокама этилди.

Ҳозир бу ерда 21 та клуб, қатор маданият уйлари, умумий сони 200 мингга яқин китоб фондига эга бўлган 30 кутубхона ишлаб турипти. Улардаги ходимларнинг қариб ҳаммаси касб ихтисосига эга бўлган олий ва ўрта махсус маълумотли кишидир.

Ўтган йили клубларда 906 минг лекция ва суҳбат уюштирилди. Уларга 48 мингдан зиёд киши қатнашди. Тематик кеча ва адабий конференцияларда 34 минг 700 дан ортиқ киши иштирок этди. Маданият уйлари ва клублар орқали дала ҳамда фермаларда меҳнаткашларга 473 марта концерт қўйиб берилди. Паркент маданият уйида «Сиҳат саломатлик», «Турмуш маданияти» халқ университетлари, кинолекторий фаолиятини кўрсатаяпти. Бир йилда кутубхоналар фондидан 28 минг 235 кишининг фойдаланишига эришилди.

Йигирма йилдан замонавий анъана ва маросимларни аҳоли турмушига сингдиришда маданият ходимлари ҳали кўп иш қилишлари зарурлиги уқтириб ўтилди. Нотиқлар Чанги, Санганак қишлоқларидаги ва Паркент қуйи аҳоли пунктидаги кутубхоналарининг моддий базалари ҳақида танқидий мулоҳазаларни билдирдилар.

Йиғилишда халқ депутатлари район совети ижроия комитетининг раиси А. Икматов, область маданият бошқармасининг бошлиғи В. А. Емцов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

М. ТУРСУНОВ.



Янгийўл мебель фабрикасида янги йиғув цехи ишга тушди. Бу цехда асосан юмшоқ мебель йиғилади. Бу йил фабрика коллективи маҳсулот ишлаб чиқаришни бир миллион сўм кўпайтиради. Суратда: юмшоқ мебель йиғиладиган янги цех.
А. Авазов фотоси. (ЎзТАГ).

Спорт

ОЛИМПИАДА СОВРИНДОРЛАРИ

Лейк-Плэсидда XIII қишки Олимпия ўйинлари программаси асосида ўтказилган сўнгги бобслейчилар ва хоккейчилар мусобақалари ғолиблари ҳам аниқланди. Дам олиш куни Германия Демократик Республикаси спортчилари яна олтин ва бронза медалларига муяссар бўлдилар. Бобслейчилар ГДР командаси хазинасига қўш медал билан ҳисса қўшганлиги туфайли немис олимпиадачилари қўлга киритган жами медаллар сони жиҳатдан биринчи ўринга чиқиб олишди. Лекин команда ҳисобида СССР олимпиадачилари биринчи бўлдилар. XIII қишки Олимпия мусобақаларида совет спортчилари ҳаммаси бўлиб 22 та (10 та олтин, 6 та кумуш ва 6 та бронза) медалларига сазовор бўлишди. ГДР командаси эса 23 медалга (9 олтин, 7 та кумуш ва 7 та бронза) медалларини қўлга киритишди.

Йигирма йиллик танаффусдан сўнг Америка Қўшма Штатлари хоккейчилари олимпиада чемпиони унвонига яна муяссар бўлдилар. АҚШ командаси охирги кун Финляндия хоккейчиларини 4:2 ҳисобида енгишди. Бу учрашувнинг биринчи бўлимида Финляндия командаси 1:0, иккинчи бўлимда ҳам 2:1 ҳисобида олдинда борди. Лекин учинчи бўлимда кетма-кет учта шайба ўтказиб юбориб, 2:4 ҳисобида енгилди.

Швеция хоккейчиларини 9:2 ҳисобида маглубиятга учратган СССР терма командаси иккинчи ўрин билан кумуш медалга сазовор бўлди.

Лейк-Плэсиддаги XIII Олимпия ўйинлари тугади. Энди навбат ёзги XXII Олимпия ўйинларига.

СУЗУВЧИЛАР ЧЕМПИОНАТИ

Ленинградда сузиш бўйича мамлакат қишки чемпионати мусобақаларига якун ясалди. Биринчиликнинг сўнгги кунида эркаклар ўртасида 400 метрга эркин усулда сузишда Ленинградлик студент Владимир Сальников 3 минут 51,20 секунд натижа кўрсатиб, жаҳоннинг янги рекордини ўрнатди. Чемпионатда иштирок этган республикамиз вакиллари орасида 100 метрга брасс усулда сузишда тошкентлик армянчи Т. Подмарев кучли олтилиқдан жой олди.

СЎНГГИ ЎЙИНЛАР

Тошкентнинг «Бинокор» хоккейчилари бу мавсум жадвалининг сўнгги ўринларида қолиб, «хавфли зона»да туришибди. Командамиз келаси йил ҳам биринчи лигада қатнашиш ҳуқуқини сақлаб қолиш учун кейинги учрашувларни анча қўтаринки руҳда ўтказмоқда. «Бинокор» Москванинг «Локомотив» ва Саратовнинг «Кристалл» командалари билан бўлган ўйинларда саккиз имкониятдан беш очко олишга муваффақ бўлди. Командамиз март ойида «Металлург» ва «Рубин» хоккейчилари билан учрашади. Ана шу ўйинлар натижаси тошкентликлар учун ниҳоятда муҳимдир.

Бугунгача командаларнинг жадвалдаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	Ў	Ш	О
«Динамо»	46	216—132	69
«Салават-Юлаев»	46	239—123	68
«Кристалл»	46	210—126	65
Урицкий номидаги спорт клуби	46	203—149	63
«Локомотив»	46	197—159	51
«СКА» (Н)	46	232—221	49
«Сибирь»	46	187—196	49
«Дизелист»	46	190—170	47
«Молот»	46	170—156	46
«Металлург»	46	177—201	41
«Торпедо»	46	167—216	37
«Шахтер»	46	148—217	36
«Рубин»	46	133—206	35
«Бинокор»	46	149—179	34
«Шинник»	46	141—202	25
«Латвияс берзс»	46	133—239	21

Редактор ўринбосари С. МУСАЕВ.

Узбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

26, 27 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги—конкурсининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ДИЛБАР ФАЕЗОВА.

Солистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Дилором ҚАЮМОВА, Ҳавасхон ҲОЖИЕВА, Бахтиёр ХОЛХУЖАЕВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Нарзиддин ШЕРМАТОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари — Қодир МУМИНОВ.

Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Программани — Уткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

Колхозчилар, совхоз ишчилари ва гражданлар

ДИҚҚАТИГА!

область матлубот кооперациясининг ТАЙЁРЛОВ КОНТОРАЛАРИ мева-сабзавотчилик маҳсулотлари, полиз экинлари ва чорвачилик ҳом ашёларини қабул қилиш бўйича ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШГА КИРИШДИЛАР.

Маҳсулотларни топширувчи шахсларга юмшоқ ва яшчик таралар берилади ва зарурат туғилганда шартномада келишилган сумманинг 25 процентигача бўлган қисми олдиндан аванс тариқасида тўланади.

Районлардаги тайёрлов конторалари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ҳом ашёларини топшириш учун шартнома тузинг!

МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Тошкент область матлубот союзининг тайёрлов бошқармаси.

ГАЗАНДАЛАР ТЎДАСИНИНГ ТУГАТИЛИШИ

— Ёрдам беринг, ёрдам!.. Кўча-кўйда, яқин атрофдаги кишилар чеккада турган ТНТ, 76—64 «Жигулиси» томон югуришди. Аммо кечикилган эди. Қотиллар ҳайдовчини пичоқлаб, завод деворидан ошиб қочиб қолишди. «Жигули» ичидан қонга беланган пичоқ, аёл кишига тегишли буюм ҳамда паспорт топилди.

* * *

«МЕХАНИЗМ» БЕНУҚСОН ИШЛАЙДИ

— Розе сени Ўринбой чақиряпти.

— Нима иши бор экан, унинг? Бандман-ку.

— Беш минутга кириб чиқаркансан. Зарур гапи бормиш. Автомобилга техника хизмати кўрсатиш Тошкент бирлашмасининг Бекободдаги станцияси слесари Юра Розе қўлини артиб, таъмиротчи инженер ҳузурига кирди. Бу пайтда Ўринбой стулга суянганча шипга қараб ҳаёлга чўмган, дастгоҳларнинг тақиртўқури, автогеннинг вишиллаши-ю, усталарнинг бақириқчақириқлари ҳам қулоғига кирмас эди. Юра бир лаҳза инженерга тикилиб турди-да, оҳиста йўталди:

— Дарвоқе, келдингми?— рўпарадаги стулга ишора қилди Ўринбой.— Маслаҳатли иш бор. Шунинг учун...

— Вақтим зиқ, мақсадга кўч. Биласан-ку, ортиқча олди-қочди гапни ёқтирмайман.

— Маъқул. Машинага эҳтиёт қисм йўқ. Худди шундай «Москвич» топсанг, у-бу деталларини алмаштирамиз. Қўлингдан келмаса, очиғини айт, ҳафа бўлмайман.

— Илтимосинг шугинами?— дўстона елкасига қоқди Розе. Сен учун осмондан юлдузни ҳам узиб бераман. Қачонга керак?

— Қанчалик тез бўлса, шунчалик яхши. Буёғи, қуруқ қўймайман.

Шу куни Юра Розе техника хизмати кўрсатиш станциясини ҳамкасбларига қараганда барвақтроқ тарк этди. Олдин 1-«Қўйлиқ» массивига, сўнгра 2-«Саракульская» ва Кафанова кўчаларига ўтди. Омадни қарангки, улфатлари Валентин, Володя ҳамда Олеглар худди келишгандек ўз уйларида экан. Дўстлар жамулжам бўлишгач, Юра муддаога кўчди.

— Инженеримиз эҳтиёткор йигит. Кўпни кўрган. Шу баҳона танишиб олсангиз, кам бўлмайсиз. Буёғидан шубҳаланилмаса бўлади, оғир, вазмин, бўлар-бўлмасни валдирай бермайди. «Москвич-фургон» керак. Хўш, уддасидан чиқамизми?

— Бир оғиз гапинг, Юра— рози бўлишди йигитлар.— Қани, такси тўхтат.

Ҳаво мусаффо. Июнь ойнинг бошлари бўлишига қарамай, ҳали тун ярим салқин, кўпчилик костюмини ечмаган. Ион чироқлари кўм-кўк либосга бурканган дов-дарахтларга ажиб бир сайқал берган, пойтахт кўчаларини янада гўзал, фусункор қилиб юборган.

Қачонки машина 2-«Қорасув» массивига қайрилгач, йўловчилерининг кўзи 15-уйнда турган «Москвичга тушди-ю, ҳайдовчига «етиб келдик, шу ерда тўхтат» деб, тезда ҳисоб-китоб қилишди. Кўз очиб юмгунча «Узпромвентиляция» трестига қарашли ТНЗ 49—04 машинаси жойидан қўзғалиб, Бекобод шаҳри томон елдек учиб кетди, «Зафар» поселкасига етиб келинганда вақт ярим кечадан ошиб қолган, бинобарин кўчакўйда ҳаракат сусайган, кимса кўринмас эди. Ҳолироқ жойда тўрт шаропа апил-тапил машинадан тушиб, ишга киришди. Ҳозиргина кишнаб турган отдек хизматга тайёр «Москвич» қисм-қисмга бўлиб ташланди.

— Қалай, хурсандмисан?— Эртаси кун юзланди Юра Ўринбойга.— «Москвични» эгасига янгилаб топширсанг ҳам бўлади энди. Керагидан ортиқ эҳтиёт қисмлар олиб келдик.

— Раҳмат, мана бу хизмат ҳаққи,— чунтагидан бир даста пул чиқариб узатди Розега инженер.— Ишқилиб, биронбир кишининг кўзи тушмадими?

— Сени ақлли, олий маълумотли киши деб юрсам, ҳали ёш бола экансан-ку. Розе тўплаган «механизм»ё бенуқсон ишлайди. Хизмат бўлса буюравер, чўнима. Сергейнинг двигателига ҳам сон кирди.

Шундай қилиб, Розе йиққан «механизм»ига яна бир қисм қўшилди, у ҳам бўлса Юранинг болаликдан бирга ўсган дўсти Сергей Ким эди.

Дастлабки қўйилган қадамнинг бундай ҳамиздан қил суғургандек силлиқлик билан ўтганидан, айниқса Ўринбой Исроилов хурсанд эди. Бу камгап, қалбаки ишларда уддабурон, шунинг билан бирга эҳтиёткор инженер ихтиёрида фақатгина турли-туман эҳтиёт қисмлар сақланмай, эндиликда бутун бошли уюшган газзандалар тўдасининг жиловини унинг қўлида эди. Жиловини қаёққа буради, бу танҳо унинг иши эди. Юра Менделеевич Розе эса ишонган тоғи. Бир имо қилса борми, кўзига ёмон ёки шубҳали кўринган кишини бир лаҳзада ёстиғини қуритади.

Ўтган йилнинг март ойлари эди. Кўпчиликнинг эсида, қиш чўзилиб, баҳорнинг бошлари ҳам ёғин-сочинли келди. «Ташавтотехобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмасидан Ўринбой Исроиловга фойдаланиш учун берилган ТНЖ 47—00 УАЗ 452 машинаси эскириб қолганлиги туфайли вақтинча ишга яроқсиз эди. Нима кўп Ўринбойнинг у ташкилотдан бу ташкилотга қатнаши, машинаси авариясига учраган таниш-нотаниш ларни ахтариши кўп. Бирлашмадан илтимос қилишнинг ўрни йўқ. «Тузатиб, минаверинглар» дейишлари турган гап. Инженер Юра Розе билан маслаҳатлашишга ахд қилди.

— Узингга енг бўлмаган, бировга бўй бўлаолдими деган ўзбекларнинг мақоли бор, Юра. Битта УАЗ топсанг, ўзимизникига ўхшаган.

— Тушундим. Изоҳнинг ҳожати йўқ. Эртага уйингда шундай машина кўрасан.

Дарвоқе, 2-март куни «Средазэлектросетьстрой» га қарашли ТНМ 85—04 номерли УАЗ 452д машинаси Ғазалкентдаги Шаҳзода кўчаси 13-уйга, Ўринбойларникига кириб борди. «Буёғи чакки бўлмади,— кўнглидан ўтказди Розе ва унинг ҳамтовоқларини кузатар экан инженер. — Рихсивойга бир оғиз гапим, йўқдан бор қилади. Ҳарқалай, эски «Победа»ни ГАЗ-24 га алмаштириб беринг, деб ҳиқиллаб юрибди. Қоларса, УАЗнинг бирини унга совға қилсам, вассалом, мендан нима кетибди».

ХАТП-23 автоколоннаси бошлиғи Рихсибой Бекмуродов Ўринбой кутганидек уни қучоқ очиб қарши олди.

— Битта машина эмас, ўнтаси бўлса ҳам айтганингиз «есть» қилинади, ака. Фақат бизнинг ишни тезроқ пишириб берсангиз. Даврингиздэ бундай кўкрак кериб ГАЗ-24 ни миниб юрсак бўлгани.

— Беш-ўн кун сабр қилинг, тегишли одамлар билан гаплашиб қўйганман. «Оқ ранги» учрамаяпти дейишмоқда. Шунча кутган, буёғига ҳам бироз сабр қилишга тўғри келади. Хўш, энди слесарларингизга айтсангиз, орқа ва олдинги ўқларини, кузовнинг номер ёзиғлик томонини алмаштиришса.

Уч-тўрт кун ичида ТНЖ 47—00 машинаси «онадан янги туғилгандек» Ғазалкент автоколоннасидан Бекобод томон ғизиллаганча бадар кетди.

ЎН УЧИНЧИ УЙ «СИРИ»

1974 йилнинг декабрида ТШИ 79—00 номерли «Жигули» — 2101 машинаси Ғазалкентга кетаверишда аварияга учради. Ҳайдовчи бир амаллаб, ташқарига чиқиб олди. У ер, бу ерини ҳисобга олмаганда, жароҳат айтарлик оғир эмасди.

Бироз ўзига келиб, соғайган Ўринбой «Жигулини» қисм-қисмга ажратиб, сотиб юборди. Лекин машинанинг ҳужжатини (техпаспорти) ўзида олиб қолганди ўшанда. «Ташлаганга тош тегмас» деганларидек вақти-соати келиб техпаспорт ёдига тушди-ю, енг шимариб ишга киришди...

Бўлган воқеани ётиғи билан эшитган Юра Розе мийғида кулиб қўйди.

— Шу гапни олдинроқ айтганингда, аллақачон қарздан қутилган бўлармидинг. Майли, ҳеч киси йўқ. Ҳечдан кўра кеч бўлгани ҳам мазқул. Сергей билан гаплашиб кўраман, бир иложини қиларміз.

26 март куни стволи кесилган ов милтиғи билан қуролланган икки киши Ғазалкентдан Тошкентга — «Шастри» автостанциясига етиб келди. Қош қорайиб қолган, уриб ёмғир ёғарди. Автостанцияда плащининг ёқасини кўтариб олган таниш йигитлар —Юра билан Сергей бўш такси турганига қарамай, йўл чеккасида ўтган-кетган машиналарга қўл кўтаришарди. Ниҳоят ТНТ 56—59 номерли «Жигули» қайрилиш чироғини ёқиб, йўловчилар олдига келиб тўхтади.

— Чиноза обориб қўйсангиз,—ҳайдовчи ёнидаги эшикни очаркан илтижо қилди Сергей Ким.— Кеч бўлиб қолди, автостанцияга етгунча ивиб кетамиз. Йўқ деманг, сизни хурсанд қиламиз.

— Ҳақиқатда, бундай ҳаводa Чиноза етиб олишнинг ўзи бўлмайди, ўтирақолинг.

Соддадил ДОСААФ Марказий Комитети ҳайдовчиси одамгарчилик қиламан деб, бағридан икки илонга жой берганини ,улар пайт пойлаб заҳар солишини қаердан ҳам биларди.

Олдиндан келишиб қўйилгандек, Юра Розе орқа ўриндиққа, Сергей эса олдинга ўтирди. Қачонки машина Чиноз районидаги ғишт заводи қаршисига етиб келганида «пақ» этган овоз чиқди-ю, «Жигули» чайқалиб кетди. Бу — ҳайдовчи Смотровнинг орқасида ўтирган Розенинг иши эди. Сергей фурсатни бой бермай рулга ёпишди. Машина 15—20 метрлар юриб бир лаҳза тўхтади-да, яна тезликни ошириб, йўлда давом этди. Сўнгра Олмазор поселкасидан оқиб ўтувчи Қоракулдуқ сойи оламдан бевақт кўзини юмган Юрий Смотров мурдасини ўз қаърига олди. Шу ерда Тошкентдан Чиноз томон йўлга чиққан ТНТ 56—59 номерли «Жигули» кескин бурилиб, яна пойтахт томон равона бўлди.

Соат тунги бирларда Ғазалкентдаги Шаҳзода кўчаси сукунатини машина овози бузди. Кутилмаган «меҳмонлар»га пешвоз чиққан итлар бирикки дақиқа ҳуриб, тинчландиларда. 13-уйнинг дарвозаси ғийқиллаб очилди-ю, яна борлиқ узра сукунат чўкди.

1 апрелга ўтар кечаси Б-1 Юнусобод массивидаги 59-уй ёнида турган УзССР Фанлар академиясига тегишли ГАЗ-69 машинаси, 9 апреллан 10 апрелга ўтар кечаси эса Куйбишев районидаги 2-«Қорасув» массивидан, Р. Қорахўжаевга қарашли ГАЗ-21 «Волга» машинаси сирли суратда ғойиб бўлди.

Я. САЛИМОВ.

(Давоми бор).

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — «Асли болаликдан». 10.45 — Киносаёҳатчилар клуби. 11.45 — Фильм-концерт. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб. 16.15 — Рус тили. 16.45 — Концерт. 17.10 — Ёшлар адреслари. 18.10 — «Энг чеккадаги уй» фильмидан кейинги учрашув. 19.00 — Дунё воқеалари. 19.15 — Фан оламида. 19.45 — Қишки Олимпиада ўйинларида. Фигурачиларнинг кўргазмали чиқишлари. Олимпиаданинг тантанали ёпилиши. 21.30 — Время. 22.05 — Чехословакия маданияти кунларининг очилиши. 23.05 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ватанимни севаман. 12.00 — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан. 12.20 — Озодлик солдатлари. Бадиий фильм. 2-фильм. 16.00 — Футбол бўйича халқаро турнирнинг тантанали очилиши. СССР-1 — ГДР командалари учрашуви. 18.00 — Мультфильм. 18.15 — Сўз кетидан сўз келар. 19.10 — Миллионлар лениниа университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Хужжатли фильм. 20.00 — Шеърият дафтаридан. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик: тажриба ва муаммолар. 22.20 — Ажал шамшири. Телетеатр. 1-қисм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 20.55 — Реклама. 21.15 Физика. 22.15 — Дўппи кийган фариштa. Кинокомедия.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/II да **Флория Тоска**, 27/II да **Оламнинг яратилиши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/II да **Келинлар кўзголони**, 27/II да **Ганг дарёсининг қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/II да **Тўйдан олдин томоша.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/II да **Ишқ қурбонлари.**

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41. Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик —325733; маданият — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 06105. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б.—1553.